

Бахт
белгиси —
билим.

Ўзбек халқ мақоли



Ma'rifat

ENLIGHTENMENT * XALQ ZIYOLILARI GAZETASI * معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan 2010-yil 5-may, chorshanba № 35 (8268) ISSN 2010-6416

ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 4 май куни Оқсаройда Жаҳон божхона ташкилоти Бош котиби Кунио Микурияни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон Жаҳон божхона ташкилоти билан ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор эканини таъкидлади.

— Халқаро савдо қоидалари ва тартибларини ишлаб чиқишда Жаҳон божхона ташкилотининг ўрни юксак эканини яхши биламиз, — деди Президентимиз.

Мазкур халқаро ташкилот 1947 йилда тузилган ва бугунги кунда 176 давлатни бирлаштиради. Савдо соҳасига доир меъёрларни ишлаб чиқиш, халқаро божхона қоида ва тартибларини такомиллаштириш, аъзо давлатлар божхона органлари ўртасида ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш ташкилотнинг асосий вазифаларидандир.

Ўзбекистон 1992 йилдан буён мазкур ташкилот билан самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Жумладан, 2007 йилда ўзаро ҳамкорликда “2007—2010 йилларда Ўзбекистон Республикаси божхона органларини ривожлантириш стратегияси” иш-

лаб чиқилган ва муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан 2003 йилда мамлакатимизда божхона соҳасида юқори малакали мутахассислар тайёрлаш бўйича минтақада ягона олий ўқув юрти ташкил этилди. Шунингдек, мамлакат божхона хизматининг минтақавий кинология маркази фаолият кўрсатмоқда.

Учрашувда Кунио Микурия самимий қабул учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди.

— Менинг ушбу ташрифим Ўзбекистон ҳаёти ва унинг ривожланиш суръатлари билан яқиндан танишиш учун яхши имкониятдир, — деди меҳмон.

Оқсаройдаги суҳбат чоғида Ўзбекистон Республикаси билан Жаҳон божхона ташкилоти ўртасидаги ҳамкорликни янада фаоллаштиришга доир ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎЗА)

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 4 май куни Оқсаройда Корея Республикаси стратегия ва молия вазири Чжин Хён Юнни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги муносабатлар изчил ривожланаётганидан мамнуният изҳор этди.

— Сизнинг ушбу ташрифингиз Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасида ҳамкорлик алоқаларининг мустаҳкамлашиб бораётганидан яна бир далолатдир, — деди Ислам Каримов.

Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар стратегик шериклик тамойиллари асосида изчил ривожланмоқда. Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасида мунтазам йўлга қўйилган олий даражадаги учрашувлар ҳам бунинг яққол тасдиғидир.

Корея Республикаси қатор стратегик муҳим лойиҳаларни рўёбга чиқаришда Ўзбекистоннинг энг ишончли шерикларидан биридир. Бунга Навоий шаҳридаги эркин индустриал-иқтисодий зона ва халқаро интермодал логистика маркази яхши мисол бўла олади. “КОГАЗ” корпорацияси билан Устюрт газ-кимё мажмуи қурилиши лойиҳасида нафақат конларни юқори технологик ўзлаштириш, балки полиэтилен ва полипропилен каби тайёр маҳсулот-

лар ишлаб чиқаришга қаратилган самарали ҳамкорлик йўлга қўйилган. Мазкур лойиҳага 3 миллиард АҚШ долларидан ортиқ сармоя жалб этиш мўлжалланмоқда.

Савдо алоқалари соҳасида Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасида энг кўп қулайлик яратиш тартиби амал қилмоқда. 2009 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 1,2 миллиард АҚШ долларини ташкил этди.

Оқсаройдаги учрашувда Чжин Хён самимий қабул учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдириб, Жанубий Корея Ўзбекистон билан ўзаро муносабатлар кўламини янада кенгайтиришдан манфаатдор эканини таъкидлади.

— Глобал молиявий-иқтисодий инқироз шароитида иқтисодий ривожланишнинг “ўзбек модели” ўзининг мустаҳкам ҳимоя механизмига эга эканини яққол намоён этди, — деди меҳмон.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ўртасидаги савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

(ЎЗА)

2010-yil — Barkamol avlod yili



ЁШЛАР УЧУН КАТТА ТУҲФА



Фарғона туманидаги Сатторобод қишлоғида замонавий лойиҳалар асосида қуриб битказилган 315 ўринга мўлжалланган янги 28-умумий ўрта таълим мактаби фойдаланишга топширилди.

Қурилиш ишларини “Кувасойтаъмирқурилиш” масъулияти чекланган жамияти қурувчилари тез ва сифатли бажарди. Ушбу илм маскани “Баркамол авлод йили”да ёшлар учун катта туҳфа бўлди. Кенг ва ёруғ синф хоналари, спорт зали улар ихтиёрида.

Суратларда: Фарғона тумани Сатторобод қишлоғида янги қад ростлаган 28-умумий ўрта таълим мактаби фаолиятдан лавҳалар акс этган.

М.ҚОДИРОВ (ЎЗА) олган суратлар.

ГАЗЕТАНИ
ВАРАҚЛАГАНДА

«ЭНГ НАМУНАЛИ
АКАДЕМИК
ЛИЦЕЙ»
тажрибаси юқори
баҳоланди

3-бет

«КАСБ
МАҲОРАТИМИЗ
САЙҚАЛЛАШ-
МОҚДА»

5-бет

MUVASHSHAN
DARS

8—9-бетлар

ҲАЛОКАТ
НАФАСИ:
НАЖОТ НИМАДА?

12-бет



Харухико КУРОДА:

**ОСИЁ ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ
ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН
ҲАМКОРЛИКНИ ЮКСАК
ҚАДРЛАЙДИ**

Халқаро бизнес-марказда Осие тараққиёт банки президенти Харухико Куроданинг ОТБ Бошқарувчилар кенгашининг 1—4 май кунлари Тошкентда ўтган 43-йиллик мажлиси якунларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Осие тараққиёт банки президенти Ўзбекистон раҳбариятига ОТБнинг Тошкентдаги форуми юксак савияда ташкил қилингани ва уни ўтказишга яхши тайёргарлик кўрилгани ҳамда тадбирнинг самарали ўтишига ёрдам бергани учун самимий миннатдорлик изҳор этди. ОТБ Бошқарувчилар кенгашининг бу йилги мажлисида Осие—Тинч океани минтақаси мамлакатларининг жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан самарали чиқиши ва инқироздан кейинги ривожланиши билан боғлиқ қисқа, ўрта ва узоқ муддатларга мўлжалланган долзарб масалалар кўриб чиқилди. Шу мақсадда минтақанинг иқтисодий барқарорлигини ошириш, унинг глобал иқтисодий бошқарувга, минтақавий интеграцияни кенгайтиришга ҳисса қўшиши учун зарур чораларни кўриш лозимлиги ҳамда бу жараёнлар ОТБ томонидан бундан кейин ҳам қўллаб-қувватланиши таъкидланди. ОТБ томонидан ишлаб чиқилган «Стратегия—2020» айнан ушбу масалаларни ҳал этишга қаратилган. Барқарор иқтисодий ривожланишга бевосита дахлдор бўлган иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш ва қуёш энергиясидан янада кенг фойдаланиш мажлисида кўриб чиқилган муҳим масалалар сирасидандир.

ОТБ президенти ЎЗА мухбири саволларига жавоб қайтарар экан, Ўзбекистон иқтисодиётига инқироз бошқа қўллаб давлатларга қараганда кам миқёсда бўлса-да, таъсир кўрсатганини таъкидлади. Мамлакат раҳбарияти иқтисодий ривожланишга инвестицияларни жалб қилишни кенгайтириш, солиқ ва молия сиёсатини такомиллаштириш, иқтисодиётни диверсификация қилиш, ишлаб чиқариш, экспортга йўналтирилган секторни қўллаб-қувватлаш, ички бозор ҳамда инфратузилмани, шунингдек, ижтимоий соҳани мустаҳкамлаш борасида ўз вақтида чора-тадбирлар кўрди.

Умуман, Ўзбекистон глобал инқирозга ғоят ишончли тарзда қарши турди. Айнан шу боис миллий иқтисодиёт жаҳон инқирози

сабабли юзага келган вазиятдан тез ва самарали чиқишга эришди. Натижада иқтисодий ўсиш сақлаб қолинди ва бу кўрсаткич 2009 йилда 8,1 фоизни ташкил қилди. ОТБ прогнозларига кўра, 2010 йилда иқтисодий ўсиш 8,5 фоизга етиши мумкин. Бу минтақадаги энг юқори кўрсаткичлардан бири ҳисобланади ва келаси йили 9 фоизга етиши мумкин. Бу кутилаётган ва табиий натижадир, деб таъкидлади Х.Куроода.

Осие тараққиёт банки президенти, шунингдек, ОТБ Марказий Осие мамлакатлари билан транспорт, савдо ва энергетика соҳасида минтақавий ҳамжиҳатликни кенгайтириш борасида ҳамкорликда иш олиб бораётганини маълум қилди. Ўзбекистонда «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасининг ташкил этилиши бундай самарали фаолиятнинг ёрқин мисолидир. Мазкур зона йирик минтақавий транспорт ва савдо марказига айланиш учун улкан салоҳиятга эга. Биз Ўзбекистоннинг минтақада транспорт алоқасини яхшилаш ва глобал бозорларга чиқиш борасидаги саъй-ҳаракатларини юксак қадрлаймиз ва ушбу ташаббусни қўллаб-қувватлашни давом эттирамиз, деди ОТБ президенти.

ОТБ Ўзбекистон билан узоқ муддатли ҳамкорлик асосида мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ўзгаришларни кенг қўллаб-қувватламоқда. ОТБ Бошқарувчилар кенгашининг йиллик мажлиси доирасида имзоланган янги кредит битимларида Ўзбекистоннинг муҳим тармоқларида амалга оширилаётган умумий қиймати 1 миллиард АҚШ долларидан ортиқ қатор лойиҳаларни молиялаштириш кўзда тутилмоқда.

— Бизнинг мақсадимиз барқарор ривожланишнинг муҳим омиллари ҳисобланган хусусий секторни микромолиялаштириш, энергетика, йўл қурилиши, таълим соҳаси билан боғлиқ муҳим йўналишларда Ўзбекистон билан ҳамкорликни мустаҳкамлашдан иборат, — деди ОТБ президенти Харухико Курода.

Анна ИВАНОВА,
ЎЗА мухбири

**МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ҲАМДЎСТЛИГИГА АЪЗО
МАМЛАКАТЛАР ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИНИНГ 1941–1945
ЙИЛЛАРДАГИ УЛУҒ ВАТАН УРУШИДА ҚОЗОНИЛГАН
ҒАЛАБАНИНГ 65 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН
ҲАМДЎСТЛИККА АЪЗО ДАВЛАТЛАР ХАЛҚЛАРИ ВА
ЖАҲОН ЖАМОАТЧИЛИГИГА
МУРОЖААТИ**

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатлар халқлари 2010 йил 9 майда совет халқининг 1941—1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида қозонган Ғалабасининг 65 йиллигини нишонлайди. Совет Иттифоқининг кўпмиллатли халқи ва Куролли Кучлари мисли кўрилмаган даҳшатли урушда ўз Ватани озодлиги ва мустақиллигини ҳимоя қилди, дунёнинг кўплаб мамлакатларини фашизм зулмидан озод этди.

Халқларимиз фронтда ва фронт ортида фидойилик, қаҳрамонлик, ватанпарварлик ва бирдамлик фазилатларини, мислсиз матонатини намойиш этдики, буларсиз ғалабага эришиб бўлмас эди. Бундай матонатни, ғалабага бўлган бундай ишонч-иродани тарих кўрмаган.

Йиллар ўтса-да, халқларимиз кўрсатган буюк жасорат қалбимиздан ўчмайди. Вақт ўтган сайин келажак учун мардонавор курашган, буюк Ғалабага эришган солдатларнинг тарихий миссиясининг аҳамияти шу қадар теран намоён бўлаверади. Шу муносабат билан Ҳамдўстликка аъзо давлатлар халқлари ва жаҳон жамоатчилигига мурожаат қилар эканмиз, бугунги дорилмон кунларда умргузаронлик қилаётган фахрийларга ташаккурлар айтаемиз. Биз урушда ғалаба қозонган инсонларни нафақат сўз билан, балки амалда ҳурматини бажо келтиришга, уруш қатнашчилари ва фронт ортида меҳнат қилган фидойилар ҳақида доимо ғамхўрлик қилишга, уларга эътибор бериш ва муносиб турмуш шароитларини яратишга чақирамиз.

9 май — Ғалаба куни биз учун адолат, фахру ифтихор тантанаси ва ушбу мисли кўрилмаган даҳшатли урушда қурбон бўлган миллионлаб марҳумларни хотирлаш куни бўлиб қолади. Улуғ Ватан уруши йилларида қаҳрамонларча ҳалок бўлганларнинг номи муқаддас ва қадридир. Биз ўз жонини қурбон қилиб, Ватанини, демак, бизнинг озодлигимизни ҳимоя қилганлар олдида ҳамиша қарздормиз.

Дунёни фашизм балосидан қутқарган солдатлар ва фронт ортида меҳнат қилганларнинг қаҳрамонлигини ҳеч қачон унутмаймиз. Шу сабабли ўз Ватанининг озодлиги ва мустақиллиги учун жон фидо қилганлар хотирасини ҳурмат билан ёд этишга, ҳарбийлар қабрлари, меъморий комплекслар ва ёдгорликларни, шунингдек, партизанлар, махфий кураш олиб борганлар ва фашистлар лагерлари маҳбусларининг қабрларини асраб-авайлаш ҳақида доимо ғамхўрлик кўрсатишга, Улуғ Ватан уруши йилларида фашист босқинчилари қўлида қурбон бўлган ҳарбий ва тинч аҳоли хокини топиш ишларини фаоллаштиришга даъват этаемиз.

Бу Ғалаба барчамизники ва фашизмга қарши курашганлар жасорати олдида бош эгамиз. Фашизмга қарши коалиция бўйича иттифокдошларимизнинг Ғалабага қўшган ҳиссасини, бизга берган ёрдамини ҳеч қачон унутмаймиз. Бироқ бу урушнинг энг катта ва асосий воқеалари совет-герман фронтларида содир бўлган. Мамлакатларимиз уруш йилларида ўн миллионлаб фуқароларидан айрилган. Уруш қурбонлари орасида барча миллат вакиллари бўлган.

Давлатларимиз халқлари ушбу буюк Ғалабага улкан ҳисса қўшганини инobatга олиб, ўсиб келаётган ёш авлод қалбида умумий қаҳрамонона тарих ва фашизмга қарши курашда кўрсатилган буюк жасорат учун фахрланиш ҳиссини тарбиялашга чақирамиз.

Умумэтироф этилган халқаро ҳуқуқ принциплари ва нормалари, БМТ Низоми ва Хельсинки Якуний ҳужжати қоидаларига содиқлигимизни тасдиқлаган ҳолда, дунёда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш йўлида фаол ҳамкорлик қилишга, халқаро терроризм ва экстремизмга қарши курашни кучайтиришга, мавжуд зиддиятларни сиёсий йўл билан ҳал этиш ҳамда юзага келиши мумкин бўлган низо-ларнинг олдини олишга даъват этаемиз.

ИЗЧИЛ ИСЛОҲОТЛАР — САМАРАЛИ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ОМИЛИ

Вон РИХТОР, «ING Bank N.V.» банки ижрочи директори (Сингапур):

— Осие тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг 43-йиллик мажлисида нафақат Осие минтақаси, балки бутун дунё мамлакатлари учун ҳам муҳим масалалар муҳокама қилинди. Жаҳондаги энг етакчи ва тажрибали банкирлар, соҳа мутахассислари билан мулоқотда бўлиш, фикр ва ахборот алмашиш учун кулай имконият яратган ушбу анжуманда қатнашганимдан ғоят мамнунман.

Ўзбекистонга илк бор келишим бўлса-да, бу ерда турли жабҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотлар бераётган юксак самараларни кўриб, чин дилдан ҳайратландим. Мамлакатингиз иқтисодиёти

муттасил юксалиб бораётир. Саноатнинг кўплаб тармоқлари изчил ривожланмоқда.

Ўзбекистоннинг Инқирозга қарши чоралар дастурини катта қизиқиш билан ўрганиб чиқдим. Глобал молиявий-иқтисодий инқироз кўплаб мамлакатлар, жумладан, ривожланган давлатлар иқтисодиётига ҳам катта зарар етказди. Бошқа мамлакатлардан фарқли равишда, инқирозга қарши ўз вақтида ва тўғри амалга оширилган кенг қамровдаги чоралар туфайли Ўзбекистон глобал иқтисодий бўҳрондан деярли зарар кўрмагани ҳар қадамда сезилади.

Мамлакатингизда банклар-

нинг пишиқ-пухта ишлаб чиқилган тизими эътиборимни тортди. Ўзбекистон билан банк-молия соҳасида ҳамкорлик қилиш имкониятлари жуда кенг эканига амин бўлдим.

Хисао ШИБУСАВА, «Global Investment for Development» ташкилоти президенти:

— Халқаро молиявий-иқтисодий бўҳрон дунёнинг барча мамлакатлари, энг ривожланган давлатлар иқтисодиётига ҳам катта зарар етказди. Давом этаётган бундай мураккаб шароитдан Осие мамлакатлари, хусусан, Ўзбекистон муваффақиятли чиқа олди.

Жаҳонда иқтисодий кўрсаткичларнинг муттасил пасайиб

кетаётганига қарамай, Ўзбекистонда ишлаб чиқаришнинг ривожланаётгани, экспорт кўрсаткичлари ошаётгани, хорижий инвестициялар кенг жалб этилаётгани диққатга сазовор.

Ўзбекистон — ҳар томонлама истикболли мамлакат. Шунини алоҳида айтиш жоизки, «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасининг ташкил этилгани жаҳон бозорида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга, қўшимча иш ўринлари яратишга, аҳоли фаровонлигини янада оширишга хизмат қилмоқда.

Александр ФИШЕР, иқти-

содий тадқиқотлар институти бошқарувчи директори (Германия):

— Юртингизда амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар Ўзбекистон иқтисодиётига инвестициялар киритишни кенгайтиришда муҳим омил бўлаётир. Кўплаб халқаро молия институтлари, жумладан, Осие тараққиёт банкининг юртингизда йирик қўшма лойиҳаларни амалга оширишда фаол иштирок этаётгани бунинг далилидир. Шунингдек, Ўзбекистонда инфраструктурани такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар таҳсинга лойиқдир.

**ЎЗА мухбирлари
Нодира МАНЗУРОВА,
Ирода УМАРОВА,
Мадина УМАРОВА
ёзиб олди.**



9-may — Xotira va qadrlash kuni

ФАХРИЙЛАРГА ПРЕЗИДЕНТ СОВБАЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Юртимизда Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан эл-юрт тинчлиги учун жон фидо қилган инсонлар хотирасини ёд этиш, қарияларни қадрлаш, уларга иззат-икром кўрсатиш мақсадида ҳар йили 9 май Хотира ва қадрлаш кuni сифатида кенг нишонланмоқда. Шу муносабат билан жойларда турли тадбирлар бўлиб ўтмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 24 мартда қабул қилинган «Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 65 йиллиги нишонланиши муносабати билан 1941—1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва ногиронларини мукофотлаш тўғрисида»ги фармони фахрийларга кўрсатилаётган улкан эътиборнинг яна бир ёрқин намунаси бўлди. Ушбу фармонга мувофиқ, уруш қатнашчилари ва ногиронлари «1941—1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушидаги Ғалабанинг 65 йиллиги» юбилей медали ва пул мукофоти билан тақдирландилар.

Ширин шаҳрида ана шу медал ва пул мукофотларини фахрийларга тантанали топшириш маросими бўлиб ўтди. Фахрийлар дастлаб шаҳардаги Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйдилар. Уруш ва фронт орти фахрийлари учун дастурхон ёзилди. Иккинчи

жаҳон уруши қатнашчилари — Мусо Искандаров, Валентина Тукаева, Риф Тукаев, София Вахитовага «1941—1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушидаги Ғалабанинг 65 йиллиги» юбилей медали ҳамда Президент совғаси — пул мукофотлари топширилди.

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг ҳаёт йўлларидида ёшлар учун ибрат бўладиган жиҳатлар кўп. Бугунги кунда 80—90 ёшни қаршилаган бу табарруқ инсонлар оилаларнинг файзи бўлиб, маҳалла-куй юмушларида, ҳашар ва бошқа тадбирларда фаол иштирок этиб келадилар. Ёшларга уруш йилларидаги қийинчиликлар ҳақида гапириб берадилар, уларни юртимиздаги тинчлик, тўкин ва фаровон ҳаётнинг қадрига етишга чақирадилар.

— Биз каби кексаларга ғамхўрлик, иззат-икром кўрсатиб келаётган Юртбошимиздан беҳад миннатдормиз, — дейди мукофотланганлар номидан сўзга чиққан Валентина Тукаева. — Мана шундай тинч, осуда замонда яшаётганимизга шукроналар айтамыз.

Бундай тадбирлар вилоятнинг Ховос, Мирзаобод, Янгиер шаҳарларида ҳам бўлиб ўтди.

Д. ЭСОНОВА,
ЎЗА муҳбири

Умрни оқар сувга қийслашади. Бу қийсга балки турлича маъно бериш мумкин. Лекин сув гарчанд оқиб ўтса-кетсада, дунёнинг яшариб яшнашига, ҳаётнинг давомийлигига хизмат қилувчи омил сифати-

Муносабат



Кимё технологияларини ривожлантириш мавзуга дахлдор илмий мақолалар, китоблар чоп эттирдим. Кўллаб ихтироларнинг

меҳнат фахрийларини кўллаб-қувватлаш масаласига катта эътибор қаратилаётгани мамнун қилмоқда. Ахир, кекса киши учун унинг меҳнатларини эътироф этиш, қадрлашдан ортик хурсандчилик борми? Бу эҳти-

ЭҲТИРОМ — КУЧ-ҚУВВАТ

да ҳамиша қимматли. Мен бугун тўқсон ёшнинг остонасида ортимга қараб, тириклик аталмиш неъмат инсон учун катта инъом экани, уни қадрлаб, эзгу ишлар қилишга эришмоқ катта қадрли, гаштли кексаликнинг замини эканига қайта-қайта амин бўламан.

Навқирон йигитлик чоғим уруш йилларига тўғри келди. Биз бир оиладан уч киши — икки акам ва мен жангга отлангандик. Она-Ватанга сог'омон қайтиш эса иккимизга nasib etди, холос. Жигарларимдан бири юрт ҳимояси йўлида ҳалок бўлди. Урушдан қайтгач, бор илмим, иқтидоримни Ватанимизнинг гуллаб-яшнашига ҳисса қўшиш йўлида сафарбар этишга аҳд қилдим.

яратилишига бош бўлдим. Фан доктори даражасига етиб, ўнлаб шогирдлар тарбияладим. Меҳнатларим ҳукуматимиз раҳбарияти томонидан муносиб тақдирланди... Буларнинг ҳаммасига халқимизнинг илму зиёни қадрлаши, маърифатга ташналигидан олган қувват орқали эришдим, десам муболаға бўлмайди. Бугун бу туйғу фарзандларимга ҳам кўчган, десам муболаға бўлмас. Ўғилларимнинг учаласи ҳам мен бошлаган хайрли ишларни давом эттиришмоқда. Ўғлим Саидақбар — техника фанлари доктори, Ҳожиакбар ва Анвар — фан номзоди.

Мени, айниқса, ҳукуматимиз раҳбарияти томонидан уруш ва

ром бизга куч-қувват ато этади. Бундайин муносабатлар ўсиб келаётган ёш авлод учун тарбия мактаби вази-фасини ўташи билан ҳам аҳамиятлидир.

Айни кунларда республикамиз миқёсида Хотира ва қадрлаш кuni кенг нишонланмоқда. Мазкур сана сабаб илм масканларида уруш ва меҳнат фахрийлари билан учрашувлар ташкил этила-япти. Уларга иззат-икром кўрсатилмоқда.

Халқимизда, «Қариси бор уйнинг париси бор» деган нақл бор. Хулоса қилмоқ мумкинки, нурунийлари азиз тутилаётган юртимиздан эзгулик фаршталари асло узоклашмайди.

Абдурахмон АБДИРАҲИМОВ,
уруш ва меҳнат фахрийси

Инсон тафаккури ва техника тараққиёти юксак даражага кўтарилаётган бугунги давр биздан аҳборотга биринчилардан бўлиб эгалик қилиш ва ҳар бир соҳада илғор бўлишни талаб этмоқда. Ҳар қандай касбда етакчи бўлиш учун эса, тинмай меҳнат қилиш баробарида соҳа янгиликларидан хабардор бўлиш ва тажриба алмашиш муҳим ўрин тутати. Бу фикр ёш авлодни тарбиялашдек масъулиятли вазифани бажараётган таълим даргоҳларига ҳам бевосита тааллуқлидир.



Тошкент давлат техника университети қошидаги ком-пьютер технологиялари академик лицейида бўлиб ўтган «Энг намунали академик лицей» кўрик-танлови ҳам академик лицейларнинг замон талабларига тўла жавоб беришини таъминлашга қаратилган галдаги тадбирлардан биридир.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази томонидан ўтказилган ушбу кўрик-танлов икки босқичда ташкил этилди. Биринчи босқичда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар миқёсидаги жами 138та академик лицей қатнашган бўлса, шулардан 14таси иккинчи — республи-

лика босқичига йўланма олди.

Кўрик-танловни Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази директори ўрин-

ни янада ривожлантиришга катта ҳисса қўшишини, тажриба алмашишларига кўмак беришини таъкидлади. Шундан сўнг республика

лар хайъати гуруҳи баҳолаб борди.

— Кўрик-танловни академик лицейлар фаолиятини яхши йўлга қўйиш, тажриба

«ЭНГ НАМУНАЛИ АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ»

тажрибаси юқори баҳоланди

босари Зайниддин Худойбердиев очиб берди. У ўз нутқида шундай тадбирларнинг ташкил этилиши академик лицейлар фаолияти-

босқичига чиққан академик лицейлар директорлари бирин-кетин ўз чиқишларини намойиш этдилар. Улар ўз тақдимотларида акаде-

ва янгилик алмашишларига замин яратиш каби мақсадларда ташкил этдик, — дейди ЎМКХТМ Академик лицейлар фаолияти мониторинги сектори бош мутахассиси Мурод Шораҳимов. — Голибларни аниқлашда асосан лицейда ўқувчиларнинг маънавий-маърифий тарбияси қай даражада экани, олий таълим даргоҳига тайёргарлик жараёни ва бу борадаги кўрсаткичлар ҳамда 1-босқичда тўплаган баллари инобатга олинди.

Айтиш керакки, жараёнда ҳар бир қатнашчи ўзига хос янгилиги, ўзига хос услуби, илғор тажрибаларни намойиш этиш пайида бўлди. Хусусан, Жиззах по-


Ко'рик-танлов



литехника институти қошидаги академик лицей директори академик лицей фаолиятидаги ютуқлар қаторида мавжуд камчиликлар, ечимини кутаётган муаммоларни санаб, уларни ҳал қилишга доир фикр ва мулоҳазаларини билдириб ўтди. Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат институти қошидаги академик лицей директори эса умумтаълим мактаблари битирувчиларини қабул қилишда ташхис марказлари фаолиятини кучайтириш таклифини илгари сурди. Тошкент вилояти давлат педагогика институти қошидаги Ангрэн академик лицейида ташкил этилган тикувчилик тўғарагининг фаолияти кўпчиликнинг эътиборини тортди. Хуллас, ҳар бир чиқишдан қатнашчилар ўзларига керакли бўлган маълумот, янгилик ва тажрибаларни олди.

Танлов натижаларига кўра, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти қошидаги 1-академик лицей 1-ўринни эгаллади ва энг намунали лицей, деб эътироф этилди. Шунингдек, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети қошидаги ҳамда Қарши давлат университети қошидаги Шаҳрисабз академик лицейи 2-ўрин, Қорақалпоғистон давлат университети қошидаги 1- ва Урганч давлат университети қошидаги академик лицейлар 3-ўринга лойиқ деб топилди.

Соҳиба МУЛЛАЕВА,
«Ma'rifat» муҳбири





2007 йилнинг декабридан бошлаб Қўшрабoт туман халқ талими бўлими ташаббуси билан барча умумтаълим мактабларининг I-IX синф ўқувчилари ўртасида «Энг намунали синф» кўрик-танлови ўтказиб келинади.

Тумандаги 22-умумий ўрта таълим мактабида ушбу кўрик-танловни байрамона руҳда ўтказиш мақсадида алоҳида дастур ишлаб чиқилган. Кўрик-танловнинг якуний босқичида иштирок этган синфларнинг ишлари 100 балли тизим билан баҳоланди. 91 балл тўплаган 8-«А» синф жамоаси 1-ўринни, 89 балл тўплаган 7-синф жамоаси 2-ўринни ва 88 балл тўплаган 6-синф жамоаси 3-ўринни эгаллашди. Голиблар мактаб раҳбарияти ва ҳомийларнинг қимматбаҳо совғалари билан тақдирланишди.

Кўрик-танлов якуни байрамона руҳда ўтди. Айниқса, мактаб ўқувчилари томонидан тузилган «Ёзбулок» болалар фольклор-этнографик дастасининг чиқишлари барча мактаб ўқувчилари ва йиғилганларга манзур бўлди.

Раҳмиддин ШОВҚИЕВ,
ўқитувчи

9 МАЙ – ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ, ТАРИХНИ ЁДГА ОЛИШ, УНИ ЯРАТИШГА ЎЗ ХИССАСИНИ ҚўШГАН ҚАХРАМОНЛАРНИ ЁЗСОЗЛАШ КУНИ.

Сурхондарё вилояти Узун туманидаги 1-ихтисослаштирилган боғча-мактаб мажмуасида байрам арафасида «Хотира боғи» ташкил этиш ва хотира кечасини ўтказиш аънамага айланган. Маҳалла, мактаб, ота-оналар ва ҳомийлар томонидан ташкил этилган навбатдаги учрашувда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, уларнинг яқин кишилари ва меҳнат фахрийлари иштирок этишди. Тадбирдаги энг қизиқарли воқеа — эл-юрт учун хизмат қилиб, маҳалладошлари қалбидан жой олган инсонлар шажара дарахтининг тақдим этилиши бўлди. Улар ҳақида тўплаган маълумотларни ўқувчилар маъруза тарзида баён қилиб берди. Тадбирда иштирок эта олмаган кекса ва ногирон кишилар хонадонига болаларнинг ташриф буюриши маҳалладаги ҳамжиҳатликнинг ёрқин ифодаси бўлди.


Ҳанифа СУЛТОНОВА,
она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси

«ТАЪЛИМ ТАРАҚҚИЁТИ» АХБОРОТНОМА-СИНИНГ 2010 ЙИЛДАГИ 2-СОНИ ЧОП ЭТИЛДИ.

Ахборотноманинг илк саҳифаларидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2010 йил 14 январдаги 2064-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Молия ва Маданият ва спорт ишлари вазирликлари ҳамда Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг 2009 йил 16 декабрдаги 53, 115, ҚҚ-19 ва 05-04-02-сон Қарори билан тасдиқланган «Умумтаълим мактаблари дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар билан таъминлаш тартиби тўғрисида»ги Низоми ўрин олган. Шунингдек, ахборотнома саҳифаларида куйидаги меъёрий ҳужжатлар билан таниши-шингиз мумкин:

— Ўқувчи-ёшларимиз қалбида китобни севиш, уни ўқиш ва мутолаа қилиш учун танаб олиш, ўқиш маданиятини шакллантириш ҳамда уларнинг адабиётга бўлган қизиқишини уйғотиш мақсадида бир неча йиллардан бери Самарқанд вилоятида ўтказиб келинаётган «Китоб тақдими» тадбири-ни бутун республика мактаб ўқувчилари ўртасида оммалаштириш учун вазирликнинг 2010 йил 20 февралдаги «Китоб тақдими» тадбири-ни ўтказиш тўғрисида»-ги 32-сонли буйруғи ва Низоми;

— Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни, «Қадрлар тайёрлаш миллий дастури», «2004-



2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури»ни ҳаётга татбиқ этиш, ҳар бир фан йўналишида ташаббускор, ижодкор ва илғор педагогларни аниқлаш, уларнинг иш тажрибаларини республика миқёсида оммалаштириш мақсадида вазирликнинг 2009 йил 14 декабрдаги «Халқ таълими вазирлигининг 2007 йил 6 февралдаги 28-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» ҳамда «Йилнинг энг яхши методисти» кўрик-танловлари Низомига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги 347-сонли буйруғи ва иловалари чоп этилди.

Юқорида қайд этилган ҳужжатлар барча халқ таълими бошқарув органлари ходимлари, таълим муассасалари ва мактабгача таълим раҳбарлари, услубчилар, ўқитувчилар ва тарбиячиларга иш жараёнида фойдаланиш учун муҳим.

Т.САЛИМОВ

ЧИЛОНЗОР ТУМАНИДАГИ 201-МАКТАБДА АПРЕЛЬ – ЭСТЕТИК Йўналишдаги фанлар ойлиги муносабати билан 7-синф ўқувчилари ўртасида «Санъат шайдолари» кўрик-танлови бўлиб ўтди.



Ўқувчилар ушбу танлов орқали олган сабоқларини синовдан ўтказишди. Тадбирни ташкил этишда мусиқа маданияти фани ўқитувчиси Наргиза Мансурованинг хизматлари катта бўлди.

Шунингдек, тадбирда ўқувчилар «муслиқий бошқотирмалар», ижро этилган куйларни аниқлаш, муслиқий арбобларнинг яратилиш тарихи, ўзбек мусиқасининг ривожланишига ҳисса қўшган мусиқашунос олимлар, бастакору со-



Тадбирда ижро этилган мумтоз йўналишдаги кўшиқлар ва рақслар билан бирга миллий эстрада йўналишидаги куй-кўшиқлар ҳам барчага манзур бўлди. Шунингдек, тадбирда ўқувчилар «муслиқий бошқотирмалар», ижро этилган куйларни аниқлаш, муслиқий арбобларнинг яратилиш тарихи, ўзбек мусиқасининг ривожланишига ҳисса қўшган мусиқашунос олимлар, бастакору со-

зандаларнинг ҳаёти ва ижоди юзасидан билимларини намойиш этдилар. Фестиваль доирасида бўлиб ўтган танловда ўқувчилар орасидан «Энг зукко ўқувчи», «Энг иқтидорли ўқувчи» номинацияси бўйича голиблар аниқланди.

— «Баркамол авлод йили» муносабати билан илм масканимизда ўтказилган ушбу тадбир ўқувчи-ёшлар қалбида мусиқага меҳр уйғотди, — деди мактаб директорининг ўқув-тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари Гулчехра Фазилдинова. — Бу эса ёшларнинг камол топишида миллий қадриятларимиз, мумтоз мусиқамизнинг ўрни бе-ниҳоя катта эканлигидан дарак беради.

ИЖОД – ҚАЛБ ИШИ. БУ МАШҒУЛОТГА ОШУФТА Бўлган, уни қадрлаган кишилар эзгуликкагина хизмат қилади.

Қашқадарё вилояти Косон туманидаги 12-мактабда бошланғич синф ўқитувчиси Лобар Эгамбердиева ташаббуси билан ўтказилган тадбир «Ватан, сенсан энг гўзал чаман» деб номланди.

— Болаларни бир мақсад атрофида бирлаштириш, уларнинг қалбида қуртак ёзаётган ватанпарварлик туйғусини ўстириб бориш биринчи навбатда оиладаги муҳит, қолаверса, мактаб ўқитувчиларининг маҳоратига боғлиқ. Ўқувчиларни ижодкорликка, фикр ва ғояларни эркин баён этишга ўргатаётган мана шундай тадбирлар келажакда ўз мевасини бериши шубҳасиз, — дейди мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Сирож Тошев.

Болалар томонидан «жонлантирилган» Алишер Навоий ва Хусайн Бойқаро тимсолларининг саҳнага чиқиб келиши билан бошланган учрашув Ватан ҳақидаги шеърлар, кўшиқларга уланиб кетди.

Нигора ҚОДИРОВА,
мактаб директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари

ПАРКЕНТ ТУМАНИДАГИ 29-УМУМТАЪЛИМ МАКТАБИДА МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИРЛАР, ТУРЛИ УЧРАШУВ ВА БАДИИЙ КЕЧАЛАР ТЕЗ-ТЕЗ ТАШКИЛЛАШТИРИБ ТУРИЛАДИ. Яқинда ўтказилган «КАФТИНГДА ТУТ, АСРА АЁЛНИ» ДЭБ НОМЛАНГАН ТАДБИР УНДА ҚАТНАШГАНЛАРНИНГ ЁДИДА УЗОҚ ВАҚТ САҚЛАНИБ ҚОЛАДИГАН Бўлди.

Унда туман шифохонасининг малакали врачлари, хотин-қизлар қўмитаси вакиллари, ИИБ ходимлари, маҳалла фуқаролар йиғини мутасаддилари қатнашди ва иштирокчиларни қизиқтирган саволларга жавоб беришди. Тадбир давомида ўсмирликдан аста-секин балоғат фасли сари одимлаётган қизларни ҳаётга тайёрлаш, уларни спортга жалб қилиш масалаларига алоҳида тўхтаб ўтилди.

Мактабнинг иқтидорли ўқувчилари ижросидаги саҳна кўринишлари, она-Ватан ва аёл мадҳига айтилган шеър кўшиқлар тадбирга ўзгача шуқуқ қўшди. Мактаб раҳбарияти ва меҳмонлар бу каби тадбирларни узлуксиз тарзда ташкиллаштиришга келишиб олишди.

Феруза АКБАРОВА,
ўқитувчи

САХОВАТПЕША ВА БУНЁДКОР ИНСОНЛАРНИНГ МЕХНАТИ БИЛАН ЮРТИМИЗ ОБОД Бўляпти. Янги тураржойлар, маиший хизмат иншоотлари, таълим муассасалари қад ростляпти.

Шаҳрихон туманининг Найнаво кишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида фаолият юритаётган «Қўрғонча озод дери» фермер хўжалигининг раҳбари Файзулло Абдухалиловнинг ҳам «Баркамол авлод йили»да бошлаган савобли иши бунга далолатдир. Фермер кўклами дала ишларини бажариш билан бир қаторда Азамат маҳалласида жойлашган 41-мактабнинг филиали биносини қуриш ишларига ҳам ҳомийлик ёрдами-ни кўрсатмоқда.

Шунингдек, ташаббускор фермер томонидан 36-, 41-мактабларнинг аълочи ўқувчилари учун «Баркамол авлод» стипендияси ташкил қилингани эътиборлидир.

Файзулло Абдухалиловнинг ҳимматидан мактаб жамоасигина эмас, маҳалладошлари ҳам хурсанд бўлишяпти.

О. СИДДИКОВ

ЁШ МУТАХАССИСЛАРНИНГ СОҲАЛАРИГА ДАХЛДОР НАЗАРИЙ БИЛИМЛАРНИ ЭГАЛЛАШ БАРОБАРИДА, БУ ИЛМЛАРНИ АМАЛИЁТГА ТАТБИҚ ЭТИШ МАЛАКАСИНИ ҲАМ ЎЗЛАШТИРИШЛАРИ МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ.

Навоий давлат педагогика институтининг профессор-ўқитувчилари бу масалага жиддий эътибор қаратишмоқда.

— Толиби илмларнинг педагогик амалиётларни бугунги кун талаблари даражасида ўтамоғи учун етарлича шарт-шароит ва имкониятларни яратиш мақсадида Навоий шаҳридаги 3та академик лицей, битта касб-хунар коллежи ва 7та умумтаълим мактаблари билан институт ўртасида шартномалар тузилган бўлиб, кузатув ишлари тажрибали методистлар, профессор-ўқитувчилар томонидан олиб борилаётир, — дейди ўзбек тили ва адабиёти ўқитиш методикаси кафедраси мудири, педагогика фанлари номзоди Холбиби Қурбонова. — Биз амалиётчи ўқитувчилар билан ҳамкорликда талабаларимизнинг дарсларини таҳлил этиб, ютуқлари-

ҲОЗИРДА ТАЪЛИМНИНГ ЭНГ ЗАМОНАВИЙ УСУЛЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ, САМАРАДОРЛИКНИ ОШИРИШ ВА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ Ўқув жараёнига татбиқ қилиш билан боғлиқ вазифалар олий таълим муассасалари олдида турган бош мақсадга айланди. ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИДА ЎТКАЗИЛГАН ИЛМИЙ-УСЛУБИЙ АНЖУМАН ЮҚОРИДА ҚАЙД ЭТИЛГАН МАСАЛАЛАРНИ ҚАМРАБ ОЛДИ.

Унда замонавий таълим технологиялари бўйича республикамиз олий таълим муассасалари, шунингдек, хорижий мамлакатларда фаолият олиб бораётган мутахассислар ҳам иштирок этди. Маърузачилар чиқишларида ўқув жараёнига замонавий ахборот, педагогик технологияларни жорий этишнинг мутлақо янги усули, таълим технологияларини яратиш билан боғлиқ масалалар атрофлича муҳокама қилинди. Ўзбекистон ва Германия олий таълим муассасалари мисолида интеллектуал салоҳиятга эга бўлган, ҳозирги замон мутахассиси эгаллаши лозим бўлган барча сифатлар, яъни хорижий тилларни билиш, ахборот технологиялари билан ишлаш олиш, ўз мутахассислигининг жа-

ҳон ва миллий тажрибалари ҳамда аъналарини ўзида мужассам этган етук кадрларни тайёрлаш билан боғлиқ муаммолар, уларнинг ечимлари юзасидан фикр билдирилди.

Шуниси қувонarliки, анжуманда нафақат Тошкент шаҳри, балки вилоятлардаги олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари ҳам иштирок этишди. Яқинда ўзаро фикр алмашув, мунозара ва қизгин тортишувлар натижасида ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларни ўқув жараёнига татбиқ этиш ҳақида келишиб олинди.

Мақсуда САИДОВА,
немис тили кафедраси ўқитувчиси,
Акбаржон РАСУЛОВ,
талаба



ни эътироф этиш. Хато ва камчиликларини бар-тараф этиш мақсадида услубий тавсиялар бериб бораёямиз.



Бугун тараққий этган кўплаб тармоқларни компьютер технологияларисиз тасаввур қилиш қийин. Вақтни тежаш имконини яратиб бераётган бундай технологиялар кўпчиликнинг оғирини енгил қилаяпти. Шундай экан, албатта, мазкур соҳа мутахассисига эҳтиёж сезилади. Қувонарлиси, юртимизда бундай мутахассисларни тайёрлаб бераётган коллежлар сони талайгина. Тошкент ахборот технологиялари коллежида ўтказилган «Компьютер тармоқлари ва офис жиҳозларини монтаж қилиш ва таъмирлаш» йўналиши бўйича «Касб маҳорати» кўрик-танловининг республика босқичи ҳам ана шу соҳа иқтидорларини кашф этишга имкон яратди.

Иштирокчиларга коллеж жамоаси томонидан барча қулайликлар яратиб берилди. Айниқса, ўқув муассасасидаги 10та лаборатория хоналарининг замонавий 140та компьютер билан жиҳозланганлиги республика босқичига йўлланма олган 10 нафар иштирокчига қўл келди.

«КАСБ МАҲОРАТИМИЗ САЙҚАЛЛАШМОҚДА»

Ўқувчилар танловда 3та шарт асосида беллашди. Биринчи шартда тест синовларини бажарган иштирокчиларга иккинчи шартда зарур бутлов қисмларини ўз ўрнига жойлаштириб, компьютерни ишга тушириш вазифа қилиб топширилди.

Компьютер ускуналарини йиғиш учун столда: тизимли блок, микропроцессор, магнитли қаттиқ диск, оптик диск, юритувчи қурилма, монитор, клавиатура, «сичқонча» каби керакли бутлов қисмлари тайёрлаб қўйилди.

Ишни бажариш учун иштирокчиларга 30 дақиқа вақт берилди.

Уларни Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг идоравий метрологик назорат хизмати бўлими бошлиғи, ҳакамлар ҳайъати аъзоси Жониқул Исоқовлар кузатиб борди.

— Компьютер технологиялари билан уч йилдан буён шуғулланиб келаман, — дейди суҳбатдошимиз Термиз ахборот технологиялари ва маиший хизмат касб-хунар коллежи ўқувчиси Зухриддин Темиров. — Ёшлигимдан

техник ускуналарни тузатишга қизиқардим. Коллежимизда «Ёш компьютерчи» тўғараги фаолият кўрсатади. Ана шу тўғаракка қатнашганимдан сўнг компьютер ҳақидаги билимларим чуқурлаша борди. Натижада 2007 йили «Келажак овози» республика танловида фахрли ўринни қўлга киритдим. Ҳозирги кунда Surxon.net ахборот порталини яратяпман.

Танловнинг учинчи шарида ўқувчиларга компьютер ва тармоқларнинг зарур қисмлари тайёрланган иккита стол тақдим этилди. Ўқувчилар UTB 5E кабели, тармоқ розеткалари, коннекторлар, патч-панель, кабель тестери, коннекторни қисиш, тармоқ розеткаларини ўрнатиш учун асбоблар ва жиҳозларидан фойдаланган ҳолда икки компьютерни бир-бирига улаб кўрсатишлари керак экан. Шунингдек, уларга krome, бурагичлар тўплами, қисқич изоляцияни олиш учун асбоб, ярим ойли омбитлар ҳам берилди.

— Бу шартни бажариш мураккаб

экан. Очиги, менга қийин бўлди, — дея сўз бошлади Гулистон Ахборот технологиялари коллежи ўқувчиси Х.Ҳотамжонов. — Энг муҳими, танловдан кўп нарса ўргандим. Ҳали ўз устимда кўпроқ ишлашни керак экан.

Тошкент Ахборот технологиялари касб-хунар коллежи ўқувчиси Абдулла Мирзаев амалий машғулотнинг техник вазифасини бажаргач, яъни икки компьютерни бир-бирига улагач, «Home», «Project» номи тармоқ папкаларини 20 дақиқада ҳосил қила олди.

— Коллежга келгач, устозларимдан олган билимларимни уйдаги компьютеримда ҳам бажариб кўрардим. Ҳатто кўшниларимиз ҳам ишдан чиққан компьютерларини кўтариб чиқишади. Бу хунарни танлаб адашмабман. У ерда олган билимларим ҳар доим асқотади. Коллежни битириб, Тошкент Ахборот технологиялари университети тига ўқишга кирмоқчиман.



Шундай қилиб, Тошкент Ахборот технологиялари касб-хунар коллежи ўқувчиси Абдулла Мирзаев энг тез хавфсиз локал ҳисоблаш тармоғини ҳосил қилиб биринчи, чирчиқлик С.Яшин, Гулистон Ахборот технологиялари касб-хунар коллежи ўқувчиси иккинчи ўринни эгаллаган бўлса, қаршилик Ш.Жўраев, Термиз Ахборот технологиялари касб-хунар коллежи ўқувчиси З.Темиров, нуқуслик А.Абитов учинчи ўринни олишга муваффақ бўлди.

Танлов ниҳоясида ғолибларга Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг диплом ҳамда қимматбаҳо совғалари топширилди.

Хулқар РАЖАБОВА,
«Ma'rifat» мухбири

«Kasb mahorati-2010»

ЎЗБЕК АВТОМОБИЛСОЗЛИГИ КЕЛАЖАГИ

Андижонда ўтказилган «Касб маҳорати» кўрик-танловининг «Автотранспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш» йўналиши бўйича республика босқичи ўзбек автомобилсозлигининг келажаги ёрқин эканлигини исботлади. Мазкур йўналишнинг мамлакат босқичи Ватанимиз автомобилсозлиги маркази — Асакада ўтказилган бўлғуси автомобилсозлар касб маҳоратларини янада оширишга, уларни «Ўзбек мўъжизаси»ни ўз кўзлари билан кўришга, ҳар бир иштирокчининг автомобиль яратадиган маскан тафтини ҳис қилишига имкон ҳозирлаганлигини таъкидлаш жоиз.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан кўрик-танловнинг шу йўналиши бўйича ғолибликка эришган 14 нафар иштирокчи аввал Асака автомобилсозлик касб-хунар коллежида кўрик-танлов йўналишининг энг асосий шартларидан бири — «Автотранспорт во-

кўрик-танловнинг республика босқичида яна бир бор аён бўлди

ситаларига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш» мавзуси бўйича тест саволларини топширдилар. Кўрик-танлов иштирокчилари бир соат ичида тест саволларига жавоб бериб, уч йил давомида касб-хунар коллежларида олган билимларини сарҳисоб қилдилар.

Кўрик-танловнинг иккинчи қисми Асака қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежида ўтказилди. Япония давлати гранти асосида қишлоқ хўжалик техникаси билан тўлиқ жиҳозланган мазкур коллежда ҳар бир танлов иштирокчисининг касб маҳоратини тўла намоян этиши учун етарли шароит яратилганлиги ҳакамлар ҳайъати томонидан алоҳида эътироф этилди. Бўлғуси автомобилсозларга ҳакамлар ҳайъати томонидан техника хавфсизлиги қоидалари, амалий топшириқларни бажариш жараёнида эътибор берилиши

зарур бўлган жиҳатлар тўғрисида батафсил тушунча берилди.

Амалий топшириқлар ижросига руҳсат берилгач, кўрик-танлов иштирокчилари автотранспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлашнинг барча йўналишлари бўйича билим ва маҳоратларини ишга солишга, назарий машғулотларда олинган тушунчалар, хулосаларни иш жараёнига татбиқ этишга ҳаракат қилдилар.

— Автомобилларнинг ҳар бир мурвати, таъмирлаш жараёни ёд бўлиб кетган бўлса-да, танловда бироз ҳаяжон босди, — дейди Тошкент автомобиль йўллари касб-хунар коллежи битирувчиси Хусан Шарипов. — Тенгдошларимнинг берилган топшириқларни астойдил, завқ билан бажараётганликларини кўриб, ғайратимга ғайрат қўшилди.

Танлов иштирокчилари

томонидан бажарилган автотранспорт воситаларининг двигатель қисмига техник хизмат кўрсатиш, ёнилғи-мойлаш ишлари, электр тизими қарови, ҳаракат воситалари назорати каби мураккаб вазифалар ҳакамлар ҳайъати томонидан адолатли баҳолаб борилди.

— Кўрик-танлов иштирокчиларининг амалий машғулотларни бажаришдаги маҳорати, фаол ҳаракатини кўриб қорхонамиз учун айнан шундай мутахассислар зарурлигини ҳис қилдим, — дейди ҳакамлар ҳайъати аъзоси, «GM-O'zbekiston» ёпиқ акциядорлик компанияси маъмурияти бошлиғи У.Мирзаев. — Танлов бу каби истеъдодли йигитлар маҳоратига янада сайқал берганлигини таъкидлаган бўлар эдим.

Ниҳоят, кўрик-танловнинг ҳаяжонли дамлари бошланди. Ҳар бир иштирокчининг

билими, касб маҳорати ҳакамлар ҳайъати галвиридан ўтказилди. Барча шартларни муваффақиятли бажариб, энг юқори натижага эришган Тошкент автомобиль йўллари касб-хунар коллежи битирувчиси Хусан Шарипов биринчи ўрин соҳиби бўлди. Марҳамат қишлоқ ва сув хўжалиги касб-хунар коллежи битирувчиси Наврўз Аҳмаджонов ва Каттақўрғон санот-транспорт касб-хунар коллежи битирувчиси Муҳиддин Мамасиддиқов, Қумқўрғон қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежи битирувчиси Зоҳир Алланазаров ва Чуст санот-транспорт касб-хунар коллежи битирувчиси Достон Мирраҳимов учинчи ўрин соҳиби бўлди.

Ғолибларга Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг диплом ва қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

О.СИДДИҚОВ,
«Ma'rifat» мухбири



“Она юртинг — олтин бешигинг” дейди она халқимиз. Ҳақиқатдан ҳам, бешиқда ҳикмат, сир-синоат кўп. Унинг “олтин”-лиги шундаки, у гўдакни халқнинг оғирни енгил қиладиган инсон бўлиб камол топишига хизмат қилади. Болани бағрига олиб ҳаёт синовларига бардошли қилиб тебратди.

Таъбир жоиз бўлса, “Ёшлик” деб аталгучи талабалар шаҳарчасини бешиққа ўхшатгим келди. Мазкур гўша юртимизнинг турли жойларидан келган ёшларни ўз бағрига, меҳрибон йўрғагига олиб улғайтираёт-

Faxr



ча олий ўқув даргоҳига йўл оламан. Эрта тонгдан кўчалар онажоним ювган чиннидек топ-тоза. Шаҳарчанинг ифори эса қишлоқда қолган онажонимнинг мен соғинган меҳридек беғубор. Отажонимдек боқиб турган чинорлар ҳамон тетик ва мағрурликдан дарс бермоқда.

Йўл бўйида очилиб турган гуллар сингилларимдек оқ йўл тилаб секин силкиниб кўяди. Мен бугун қишлоғимдан, оиламдан олис бўлсам-да, ўзимни уларнинг бағридагидек ҳис этаман. Шундай экан, юртим, кўнглимизга бутунлик бахшида этган мустақиллигимиз учун

САРБАЛАНД ВА МУҚАДДАС ГЎША

ган олтин бешиқдир. Бешиқда бола ғамни, губорни билмайди. Бешиқда бола меҳр оғушида улғаяди, камол топади.

Ҳақиқатан бугун ушбу ҳудудда таҳсил олаётган ёшлар истиқлол тафтида камол топаёттир. Юртинг корига яраш учун қилган ҳаракатлари бир лаҳза эса-да сўнгани йўқ. Замон андозалари даражасида жиҳозланган талабалар турар жойлари, озода кўчалар, қадамида бахтиёр ёшлик нур сочиб турган истиқлол ҳавоси тафтида таълим-тарбия олмақдалар. Уларни ҳар тонг орзулар уйғотса, ҳар тун буюк мақсад ва режалар аллалаб кўяди.

Мен ҳар тонг уйқудан кўзларимни очгач, истиқлолга беадад шукрлар қиламан. Кўтаринки кайфиятда папкамни кўлга кўтарган-

қанча ёниб-кўйиб ишласам, тер тўксам ҳам озлик қиладигандек гўё.

Куни кеча қишлоғимиздан келган ўртоғим билан суҳбатлашиб ўтирганимизда кўлидаги писта пўчоғини кўрсатди-да, ҳаяжон билан:

— Биласанми, шундай тоза, саранжом-саришта шаҳарчаларингга, мана шу, пўчоқларни ташласам уятмасми, дея сиқилиб кетдим.

Ҳа, бу гулларга ўранган шаҳарчанинг бир қарич ерига чиқинди ташласак, ҳам юраклар оғрийди, дилимиз хуфтон бўлади. Шунда бугун она диёримиз ёшлари қанақа муҳитда тарбия олаётганлиги кўз олдимда янада яққол намоеён бўлди.

Низомиддин БОЗОРОВ,
ЎЗМУ журналистика факультети талабаси

ОРЗУИМИЗДАГИ АВЛОД

маҳоратли устозлар кўлида камол топади

Бола тақдирига бевосита алоқадор бўлган ҳар бир шахсдан ҳамиша ўз касбига катта эътибор ва меҳр талаб этилади. Буни бугунги кунда таълим масканларида фаолият кўрсатаётган устоз-мураббийлар яхши англаб етишган. Жиззах шаҳридаги 11-умумтаълим мактабида “Баркамол авлод йили” муносабати билан ўтказилган “Умидли ёшлар — келажақ таянчи” кўрик-танлови фикримиз далилидир.

Ушбу тадбирга мактаб жамоаси режа асосида олдиндан пухта тайёргарлик кўрди. Танловнинг низоми ишлаб чиқилди. Низомга асосан кўрик-танловда мактабнинг 30 ёшгача бўлган фаол ўқувчилари иштирок этадиган бўлди. Кўрик-танлов 3 босқичда бўлиб ўтди. Унда иштирокчи ўқувчиларнинг билим-савияси, иқтидори, ноқулай вазиятлардан чиқиб кета олиш маҳоратлари синовдан ўтказилди.

Азиза Жўраева ўқувчиларга информатика фанидан дарс беради. Шунингдек, унинг ажойиб суратлар ҳам чизиши маълум бўлди. Суратлари маҳоратли рассомларнинг ижодидан сираям қолишмайди. Расмларида она табиат, қишлоқ ҳаёти, бахтли болалик онлари каби манзаралар ўрин олган.

Мадина Йўлчиева — инглиз тили ўқитувчиси. Шеър ёзиш унинг сеvimли машғулотидир. У аллақачон шеърий китобини ихлосмандлар эътиборига тақдим этишга улгурган. Танлов иштирокчиларининг маҳоратини кўзатар эканмиз, бундай моҳир ўқитувчиларнинг бир мактабда жамланганлиги од-

дий тасодифмикан, деган савол ҳаёлимиздан ўтди. Агар бу тасодиф бўлмаса, уларнинг истеъдодини рўёбга чиқариш ва кўллаб-қувватлаш сири нимада экан?

Ана шу саволга жавоб топиш мақсадида мактаб ҳаёти билан яқиндан танишдик. Таълим маскани ҳовлисидаги саранжом-сарихидани, ободончилик киши диққатини тортади. Ҳар бир синф ўзига бириктирилган майдончаларда турли гул, арча ва бошқа манзарали дархат

Jarayon



ниҳолларини меҳр билан парваришламоқда. Ана шу ер участкасида ишлаш, ниҳолларни парваришлаш ўқувчиларда она табиатга нисбатан меҳр-муҳаббатни шакллантирмоқда. Муҳими, ўқувчилар меҳнат қилишни, томорқага ишлов беришни ўрганмоқдалар. Албатта, бунда устозларнинг шахсий ибрати бор.

2008 йили умуммиллий Давлат дастури асосида капитал реконструкция клиниши натижасида таълим масканининг шарт-шароит ва имкониятлари янада кенгайди. Замоनावий ўқув жиҳозлари, техник воситалар, кўргазмалари кўроллар билан таъминланди. Муҳит борлиқни белгилайди, деганларидек ўқувчилар ўзларига яратилган шароитга мос равишда, илм олишга ҳаракат қилмоқдалар.

Мактабда ўз касбининг чинакам фидойиси бўлган ёш ўқитувчиларнинг устозига айланган муаллимлар кўп. Буни “Йилнинг энг

яхши фан ўқитувчиси” кўрик-танлови натижасидан ҳам кўриш мумкин. Биология фани ўқитувчиси Нигора Нурматова 2006 йили “Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси” кўрик-танловида 1-ўринни кўлга киритган бўлса, унинг касбдошлари Ўткир Сулаймонов, Зулхум Каримова, Нилуфар Жўраева ана шу нуфузли танловнинг республика босқичи иштирокчиларидир. Математика фани ўқитувчиси Бахти Холматова вилоят босқичида голиб чиқиб, бу йилги кўрик-танловнинг республика босқичида муносиб қатнашди.

Танлов давомида ёш ўқитувчиларнинг қисқа вақт ичида ўз маҳоратларини ошириш борасида эришаётган ютуқларининг сабабини англагандек бўлди. Уларнинг меҳнатда ва жамоат ишларида эришаётган ютуқлари тажрибали, кўпни кўрган устозларнинг маслаҳатлари ва амалий ёрдамларининг натижаси эканлигига ишонч ҳосил қилдик.

Танлов якунида голиблар эълон қилинди. Инглиз тили ўқитувчиси Дилфуза Фармонова кўрик-танловнинг мутлақ голиби деб топилди. Комила Абдурахмонова, Ҳолида Сатторова, Обид Нуруллаевага 1, 2, 3-ўринлар насиб этди. Голибларни тақдирлаш маросимида саҳнага ёш ўқитувчиларнинг устозлари ҳам тақлиф этилди. 32 нафар тажрибали ва ёш устоз мураббий мактаб маъмурияти томонидан фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

А.СОДИКОВ
Жиззах вилояти.

ЧЕККА ТУМАНДАГИ ЗАМОНАВИЙ БОҒЧА

Қорақалпоғистон Республикасининг Тахтакўпир туманидаги 9-«Қуёш» мактабгача таълим муассасасида ҳозирда 100 нафардан зиёд бола тарбияланмоқда. Замоनावий типда қурилган болалар боғчасида 14 нафар малакали педагог ва 6 нафар тарбиячи тарбияланувчиларга таълим-тарбия бермоқда. Боғчада спорт зали ташкил этилган бўлиб, у замон талабларига жавоб берадиган жиҳозлар билан таъминланган. Рус тили, тикувчилик, рақс, кўшиқ, расм ва бошқа турдаги бир неча тўғарақлар доим болалар хизматида. Шунингдек, муассасадаги мўъжазгина кутубхона

нинг мазмунини айтиб бериш ва шеърхонлик каби босқичлардан иборат бўлган мусобақа сўнгида муассасанинг ўрта гуруҳ тарбияланувчиси Гулайим Узқоберганова голиб бўлди.

“Қуёш” мактабгача таълим муассасасининг бугунги кунга қадар кўлга киритган ютуқлари салмоқли. Жумладан, яқиндагина ўтказилган “Қўғирчоғим — овунчоғим” ўйинчоқлар бела-шувининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичида голиб бўлган жамоа Тошкент шаҳрида ўтказилган кўргазмада ҳам фаол қатнашди. Бир неча йиллардан буён болаларга меҳр улашиб келаётган боғча тар-

Maktabgacha ta'lim muassasalarida

болаларнинг сеvimли маскани. Тарбиячилар бу ердан ранг-баранг эртак китоблар, ҳикоялар олиб машғулотларда болажонларга ўқиб беришади.

“Маънавий-маърифий ишлар самарадорлиги ўқув йили”да чекка туманда жойлашган ушбу болалар боғчасида тарбиявий аҳамиятга эга бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Эрта баҳордан муассаса агрофига 140 туп кўчат ўтқазилди ва ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Шунингдек, тарбияланувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида турли-туман байрам кечалари ҳамда мусобақалар ташкил этилиб келинмоқда. Хусусан, “Боғча маликаси”, “Ким билимдон?”, “Отам, онам ва мен”, “Табиат — бизнинг дўстимиз” каби тадбирлар шулар жумласидандир.

Яқинда болалар боғчасида “Китобсеварлар” танлови бўлиб ўтди. Ўқиган эртак китоблари-

биячиси Баян Далмаханованинг илмий-методик ишлари республика миқёсида ўқув қўлланма сифатида фойдаланилмоқда.

Чекка қишлоқда жойлашган бу маскан ҳеч бир шаҳар боғчасидан қолишмайди. Яқинда муассасамизда “Очиқ эшиклар” куни бўлиб ўтди. Унда тумандаги барча болалар боғчаси ҳамда қишлоқ фуқаролар йиғини ходимлари, тарбияланувчиларнинг ота-оналари қатнашди. Улар боғчада яратилган қулайликларни ва шарт-шароитларни ўз кўзлари билан кўриб, юқори баҳолашди. Тадбир сўнгида эса тарбияланувчилар томонидан тайёрланган ранг-баранг куй ва рақслар йиғилганлар олқишига сазовор бўлди.

Болалар қалбига қуёшдек илиқлик улашаётган бу маскан келажақда ҳам катта ютуқларни кўлга киритишига ишонамиз.

Кумар БЕГНИЯЗОВА
Қорақалпоғистон Республикаси.

E'tirof

ИШОНЧИМИЗ ЮКСАК

Бағдод туманидаги тиббиёт фанларига ихтисослаштирилган 3-сон давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернатиде бир неча йилдан буён кимё фанидан ўқувчиларга билим бериб келаман.

Дарсларимда янги педагогик технология ва ноанъанавий усуллардан кенг фойдаланишга ҳаракат қилганим боис ўқувчилар қизиқиши тобора ортмоқда.

Дарсдан сўнг “Ёш кимёгар” тўғарагида кимё фанига қизиқувчи ўқувчилар билан турли кичик тадқиқотлар, илмий ишлар олиб борамиз. Бундан ташқари, иқтидорли ўқувчилар билан махсус режа асосида дарсдан бўш вақтларида шугулланиб, билимида пайдо бўлган бўшлиқларни аниқлайман ва уларни бартараф этиш учун қўшимча машғулотлар ўтаман. Бу эса амалда ўз самарасини кўрсатмоқда.


Бугунги кунда мактаб-интернатимизни тамомлаган ўқувчиларнинг 300 нафардан зиёди Тошкент тиббиёт академияси, Тошкент фармацевтика институти, Андижон тиббиёт институти, Тошкент кимё технологиялари институти, ЎЗМУ, ФарДУ, АНДУ, НамДУ кимё, биология факультетларида таҳсил олаётгани фикримнинг исботидир.

Ўқувчиларимнинг дадил жавоблари, кенг дунёқарашлари асосланган фикрларини тинглаб туриб, комил инсон тарбиясига масъул бўлган шарафли касб эгаси эканимдан гурурланаман. Келгусида бу даргоҳдан яна кўплаб шифокорлар, кимёгар олимлар, моҳир педагоглар етишиб чиқишига ишонаман.

Оқилахон НАЖМИДИНОВА
Фаргона вилояти.



ЮКСАК ЧЎҚҚИНИНГ ИЛК ПОҒОНАСИ




Хар қандай баландликка ҳам аввало пастки поғоналарни забт этиб чиқилади. Шундай экан, бугун бошланғич синфда таълим олаётган билимдон ўқувчи эртага нафақат республика, балки халқаро ўрик-танловларда ҳам юксак марраларни қўлга киритиши учун ҳозирдан замин ҳозирлаб бориши лозим.

Тошкент шаҳар ХТББ томонидан бошланғич синф таълим

метод маркази ташкилотчилигида ўтказилган Тошкент шаҳри бўйича кичик олимпиаданинг замирида ҳам айнан мана шу мақсадлар мужассам десак, адашмаган бўламиз. Унда жами 130 нафар ўқувчи олти-та фан бўйича (математика, она тили, ўқиш, чиройли ёзув, одобнома ва табиатшунослик) ўз билимларини синовдан ўтказишди. Одобнома ва табиатшунослик фанлари ота-оналарнинг талаби билан қўшилди.

— Олимпиадада ҳар бир тумандан 12 нафардан ўқувчи иштирок этди, — дейди туман бошланғич таълим услубчиси Дилфуза Тошмухамедова. — Умумжамоа бўйича Юнусобод тумани ўқувчилари 1-, Мирзо Улуғбек тумани вакиллари 2- ва С.Раҳимов тумани ўқувчилари 3-ўринни эгаллашга муваффақ бўлди.

— Ушбу кичик олимпиаданинг ўтказилиши ўқувчилар



билими ва иқтидорини янада ошириб, дунёқарашини ўстиришга ҳам хизмат қилади. Энг муҳими эса, бу синов катта олимпиадаларга тайёргарлик вазифасини ўтайди, — дейди Учтепа туманидаги 81-мактаб ўқитувчиси Дилором Шукурова.

Суратларда: олимпиада жараёни акс этган.

Бурҳон РИЗОКУЛОВ
олган суратлар

Қашқадарё вилоят педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида «Баркамол авлодни шакллантириш — маънавий тарбиянинг мақсади» мавзусида Республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.

БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

Конференция ёшларга берилган маънавий-маърифий тарбияни янада юксалтириш асосида баркамол авлодни вояга етказишнинг мазмун-моҳиятини кенг-роқ ёритиш мақсадида ташкил этилди.

Баркамол авлодни вояга етказишнинг назарий ва амалий жиҳатларини ўзларининг илмий-услубий мақолаларида теран ёритиб берган профессорлар М.Қурононов, И.Худойбердиев, С.Чориев, Н.Узоқов, Б.Йўлдошев, Х.Тўрақулов, Ж.Ҳасанбоев, Т.Нафасов, доцентлар А.Эркаев, А.Акматалиев, Қ.Ибайдуллаев, С.Бозоров, Б.Латипов, Г.Тошева, О.Бўриев каби Респуб-

ликамининг салоҳиятли олий ўқув юртлари, илмий-текшириш институтлари профессорлари, таълим муассасалари малакали педагогларининг иштироки конференциянинг сермазмун ўтишини таъминлади. Анжуманда истиқболли порлоқ ёшлар, талабалар, магистрантлар, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорларининг мазмунли маърузалари билан иштирок этиши ҳам уларнинг баркамоллик сари интилаётганлигини нишонлади.

Конференция материаллари тўплам ҳолида чоп этирилди. Тўпламдан маънавиятнинг мазмун-моҳияти, шаклланиши, унсурлари, ёш авлодни юксак маънавият руҳида тарбиялаш масалалари ва уларнинг баркамол авлод даражасига кўтарилишида таълим ва тарбиянинг аҳамияти хусусидаги илмий-услубий мақолалар жой олди.

Конференция шўбалирида вилоят умумтаълим мактаблари директорларининг маънавий-маърифий масалалар бўйича ўринбосарлари, маънавият бўйича масъул раҳбарлар, олий, ўрта махсус ўқув юртлари ва педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтининг профессор-ўқитувчилари иштирок этдилар. Иштирокчилар мактабгача ва умумтаълим мактабларида маънавий тарбия беришнинг ўзига хос йўллари, талабаларни баркамоллик руҳида вояга етказишда маънавий тарбиянинг ўрни, баркамол авлодни шакллантиришнинг долзарб масалалари йўналишида фикр алмашдилар.

Конференция сўнгида «Баркамол авлодни шакллантириш — маънавий тарбиянинг мақсади» деб номланган тавсиянома ишлаб чиқилди.

Суяр ТОШЕВ,
Қашқадарё ВПКҚТМОИ
ўқитувчиси

Сирдарёлик бир гуруҳ таълим ходимлари умумтаълим мактаблари ўқитувчилари ҳамда синф раҳбарлари ўртасида «Вилоятнинг энг фаол фан ўқитувчиси» ва «Вилоятнинг энг фаол синф раҳбари» танловларини ўтказиш ташаббуси билан чиқишди.

ТАШАББУС

Мазкур таклиф вилоят ҳокимлиги томонидан қўллаб-қувватланди. Бир йилда икки марта умумтаълим мактаб ўқитувчилари ўртасида «Вилоятнинг энг фаол фан ўқитувчиси» ва синф раҳбарлари ўртасида «Вилоятнинг энг фаол синф раҳбари» танловларини ўтказиш ва қолибларни моддий рағбатлантириш учун захира фондидан 6 ой давомида энг кам иш ҳақининг уч баравари миқдорида маблағ ажратиш назарда тутилди.

Танловнинг асосий мақсади — вилоятдаги умумтаълим мактаблари педагогларидан фанлар бўйича илғор, ташаббускор ва ижодкор ўқитувчиларни, таълим сифати ва мазмунини оширишга ўз ҳиссасини қўшаётган моҳир педагогларни аниқлаш, улардаги ижодий қобилият, касбий маҳоратнинг рўёбга чиқишига кўмаклашиш ва қўллаб-қувватлашдан иборат. «Устоз-шоғирд» мактаби вужудга келтириб, синф раҳбарларининг мактабдан ва синфдан ташқари тарбиявий ишлари савиясини ошириш, моддий ва маънавий рағбатлантириш, аниқланган илғор тажрибаларни оммалаштириш ва кенг тарғиб этиш, уларни ўз методик мактабини яратишга йўналтириш ушбу танловнинг бош вазифасидир.

К.ҲАЙИТБОЕВ,

Сирдарё вилояти халқ таълими бошқармаси
Методика маркази директори



«Баркамол авлод йили» munosabati bilan maktabimizda turli kechalar va tadbirlar, tanlovlar o'tkazilmoqda. Yaqinda 1-sinfning erchil va chaqqon qizlari o'rtasida «Jajji go'zal» tanlovi o'tkazildi. Yuzlaridan nur balqib turgan bu qizlar 5ta shart bo'yicha o'z erchilliklarini, chaqqonliklarini, zukkoliklarini, bilimdonliklarini mahorat bilan namoyish qildilar.

Yaqindagina o'qish va yozishni o'rgangan bu qizlarning mustaqil fikrlash va ijodkorligiga, ular nutqining ravonligiga ko'pchilikning havasi keldi.

Maqollar aytishda hammadan o'zib ketgan, chaqqonlikda birinchi bo'lishga harakat qilgan Sarvinoxon tanlovning g'olibasi bo'lib, «Eng go'zal qiz» deb tan olindi. Qolgan qizlar ham turli nominatsiyalar bo'yicha taqdirlandi.

Dilorom BEKMUROTOVA,
Yangibozor tumanidagi 27-maktabning
boshlang'ich sinf o'qituvchisi

Жамоат жойларида кишининг ўзини қандай тутуши у мансуб бўлган муҳит ва олган тарбияни акс эттириб, одамнинг сийратини намоён этади. Маълумки, ҳар бир даврнинг катталари ўша вақтдаги ёшлар тарбиясидан қайсидир маънода қониқиб ҳосил қилмай келишган. Аслида ёшлар ўқувсиз бўлгани учун эмас, балки ҳаётининг тажрибаси ва кўникмалари камроқ бўлгани учун катталарга маъқул бўлмайдиган жузъий хатоларга йўл қўйишади холос.

Бола атрофдагилар, аввало, она, боғча ва кўни-кўшни муҳити таъсирида ташқи оламни англаб, дунёқарашини шаклланиб боради.

БИР КИЧИКДАН ЎРГАН, БИР...

3-4 ёшли болакай онаси ҳамроҳлигида мароқ билан ширинлик еб бораркан, бирдан тўхтаб ортига ўгирилди-да, пилдираган кўйи югура кетди. Онаси ҳай-ҳайлағунига қадар кўлидаги ширинлик қоғозини сал олдин йўлида учратган ахлат қутисига ташлади. Бу бир оддий ҳолат, албатта.

Аммо бу менга бир неча йил олдин матбуотда ўқиганим мақоладаги мазмунни кўйидагича жумлани эслатди: «Менинг назаримда, она юрт ҳақида баландпарвоз гаплар айтиладиган юз килидан кўра, кўчадаги қоғоз бўлагини олиб ахлат қутига элиб ташлаган

БОЛАДА ДАҲОЛИКНИ КЎРИНГ

бир киши минг карра ватанпарварроқдир.»

Баъзида ҳаётда ҳеч қандай тажрибаси бўлмаган болалар билиб-билмаган ҳолда кишини хайратга соларли даражада доно ва адолатли фикр билдирадидилар. Мутахассисларнинг таъкидлашича, 5 ёшгача бўлган ҳар бир болада даҳолик фазилати бўларкан. Ташқи омиллар ва тарбия натижасида баъзи болаларда бу хусусият ривожланса, бошқаларида йўқ бўлиб кетаркан.

Наргиза қайнонаси ва икки

БИР ФАЗИПАТНИНГ 25 ЙИЛЛИК «СИРИ»

— Бобом инсонни кадрловчи, унинг қалби нозиклигини теран англаган киши эди, — деб эслайди дугонам. — 5-6 ёшларда эдим. Бобом азбаройи иши кўплигидан идорадаги ҳисоб-китобларини уйга ҳам олиб келиб, ўз хонасида чўтти шарақлатганча ёзув-чизув қилиб ўтирарди. Бу хонада бобомнинг дафтар, қоғоз, қалам, ручка, чизғич, ўчирғич, қалам очқич ва боринги,

ёзув-чизув учун керакли бўлган барча нарсаларга лик тўла қулфланадиган жавони бўларди. Амма ва амакиларим институт ва мактабларда ўқишарди. Вақти-вақти билан уларга керакли ўқув қуролларини жавондан олиб берарди. Табиийки, камина ҳам қаторнинг охирида менга нима тегаркин, деб қараб турардим. Бобомнинг эркатойи бўлган шаддодроқ кичик аммам:

«Бор, сен нимага қараб турибсан, тинчгина кўғирчоқларингни ўйнаб ўтиргин», деб менга танбех бериб чиқиб кетарди. Бобом эса жавонни қулфлаш олдида «Кел, болам, сенга ҳам дафтар-қалам берман. Ўзини ўрганасан», дерди. Хурсанд бўлганимча дафтар, қаламни бағримга босиб уйга югурардим. Шундай қилиб, ҳар гал, ҳатто навбатдан ташқари ўқув қуроли тарқатилиб, бундан бехабар қолган пайтларим ҳам бобом ҳаммадан кейин ўзи чақириб мен-

Kuzatuv



га ҳам янги ўқув қуроли берар ва улар тайинлагани боис кичик аммамга олганларимни кўрсатмасдим.

Яқинда, орадан 25 беш йил ўтгач, аммамга бу сирни айтдим, бобомнинг бу гўзал ва кўпчиликка ўрнак бўларли фазилати бугун унинг барча фарзандларию набиралари олий маълумотли мутахассислар бўлиб камол топганига ўзининг яна бир сирини очди. Кўзларимизга беихтиёр ёш қуйилди.

Гўдакни айримлар гард юкмаган оппоқ қоғозга ўхшатадилар. Аслида бу мутлақо қоғоз ёндашувдир. Яъни ота-она унга ўзлари хоҳлаган битикларни ёзиши мумкин эмиш. Бугунги кун болаларига юқоридан туриб гапириш, жисмоний босим ўтказиш орқали тарбия бериб бўлмайди. Аксинча, уларни ўзингизга тенг олиб, баробар кўрсангиз, ҳаракатларингиз ўз самарасини беради. Фарзандларингизнинг «Раҳмат» олиб келишини истасангиз, оддий талаб — уларни тўғри тарбияланг.

Феруза ЭГАМБЕРДИЕВА



Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан таълим ўзбек тилида олиб бориладиган махсус таълим мактаблари учун 2010—2011 ўқув йилида фойдаланишга тавсия этилган дарслик ва ўқув қўлланмалари РЎЙХАТИ
Ёрдамчи мактаблар учун

Т/р	Дарслик ва ўқув қўлланмалари номи	Муаллифлар	Нашр этилган йили	Таъминланиш тури	8-синф				
					1	2	3	4	
1-синф					1	Она тили	Ш. Каримова ва б.	2007	беғул
1	Ёзув дафтари	М. Хўжаева ва б.	2008	беғул	2	Ўқиш китоби	М. Хўжаева	2006	беғул
2	Алифбе	М. Қахрамонова	2008	беғул	3	Математика	А. Ахатов ва б.	2008	беғул
3	Нутқ ўстириш	С. Саидазизова	2007	беғул	5	Тикувчилик	О. Боқиева	2009	беғул
4	Математика	М. Тоирова ва б.	2008	беғул	6	Табиётшунослик	Ф. Пўлатова	2007	беғул
5	Математика иш дафтари	Ф. Музаффарова	2009	беғул	7	Ўзбекистон географияси	Х. Воҳобов	2007	беғул
6	Муסיқа	Д. Каримова ва б.	2009	беғул	8	Русский язык	Р.Шомахмудова ва б.	2009	беғул
7	Тасвирий санъат	Х. Эгамов	2009	беғул	9-синф				
8	Қўл меҳнати	М. Хамидова ва б.	2007	беғул	1	Она тили	Ш. Каримова ва б.	2007	беғул
9	Логопедик альбом	Л. Мўминова ва б.	2008	беғул	2	Ўқиш китоби	С.Исомиддинов ва б.	2007	беғул
2-синф					3	Математика	А. Ахатов ва б.	2008	беғул
1	Она тили	Р.Шомахмудова ва б.	2007	беғул	4	Тикувчилик	О. Боқиева	2009	беғул
2	Ўқиш китоби	К. Абдуллаева ва б.	2007	беғул	5	Русский язык	Р.Шомахмудова ва б.	2009	беғул
3	Нутқ ўстириш	Ш. Хидоятлова	2007	беғул	6	Давлат ҳуқуқ асослари	Н. Исматова ва б.	2009	беғул
4	Математика	М. Тоирова ва б.	2007	беғул	7	Иқтисодий билим асослари	Э. Сарикоф ва б.	2009	беғул
5	Қўл меҳнати	М. Хамидова ва б.	2007	беғул	Таълим рус тилидаги ёрдамчи мактаблар учун				
6	Русский язык	Р.Шомахмудова ва б.	2007	беғул	Т/р	Дарслик номи	Муаллифлар	Нашр йили	беғул
3-синф					1-синф				
1	Она тили	В. Раҳмонова	2007	беғул	1	Пропись	И. Новикова	2009	беғул
2	Ўқиш китоби	Ф. Музаффарова ва б.	2007	беғул	2	Букварь	И. Новикова	2007	беғул
3	Нутқ ўстириш	С. Саидазизова ва б.	2007	беғул	3	Математика	М. Тоирова	2009	беғул
4	Математика	М. Тоирова ва б.	2007	беғул	2-синф				
5	Қўл меҳнати (3-4-синф)	Г. Дроздова ва б.	2007	беғул	1	Русский язык	Н. Чаплигина	2007	беғул
6	Русский язык	Р. Шомахмудова	2009	беғул	2	Развитие речи	И. Агофонова	2009	беғул
4-синф					3	Ўзбек тили	Ш. Каримова	2009	беғул
1	Русский язык	Р.Шомахмудова ва б.	2008	беғул	3-синф				
2	Она тили	В. Раҳмонова ва б.	2007	беғул	1	Русский язык	И. Зотова	2007	беғул
3	Ўқиш китоби	М. Хўжаева	2007	беғул	2	Книга для чтения	И. Иванова	2007	беғул
4	Нутқ ўстириш	Ш. Каримова	2007	беғул	3	Развитие речи	Л. Мўминова	2009	беғул
5	Математика	М. Баракаева ва б.	2007	беғул	4	Математика	М. Тоирова	2009	беғул
6	Қўл меҳнати (3-4-синф)	М. Хамидова ва б.	2007	беғул	5	Ўзбек тили	О. Эргашева	2009	беғул
5-синф					4-синф				
1	Она тили	В. Раҳмонова ва б.	2005	беғул	1	Русский язык	Н. Мирюсупова	2007	беғул
2	Ўқиш китоби	М. Расулова ва б.	2007	беғул	2	Книга для чтения	Ф. Ибрагимова	2007	беғул
3	Математика	М. Баракаева ва б.	2007	беғул	3	Развитие речи	Д. Тўлаганова	2009	беғул
4	Тикувчилик	У. Умарова	2007	беғул	4	Математика	М. Баракаева	2005	беғул
5	Жонсиз табиат	Ф. Назарова ва б.	2005	беғул	5	Ўзбек тили	О. Эргашева	2009	беғул
6	Русский язык	Р.Шомахмудова ва б.	2008	беғул	5-синф				
6-синф					1	Русский язык	Н. Соседова	2007	беғул
1	Она тили	Ш. Каримова ва б.	2006	беғул	2	Книга для чтения	Н. Соседова	2007	беғул
2	Ўқиш китоби	С.Исомиддинов ва б.	2007	беғул	6-синф				
3	Математика	А. Ахатов ва б.	2007	беғул	1	Русский язык	Н. Соседова	2007	беғул
4	Тикувчилик	О. Боқиева ва б.	2007	беғул	2	Книга для чтения	Н. Сергеева	2007	беғул
5	Табиётшунослик	Ф. Назарова ва б.	2007	беғул	3	Математика	А. Ахтов	2005	беғул
6	Ўзбекистон географияси	Х. Воҳобов ва б.	2009	беғул	4	Природоведение	Ф. Назарова	2008	беғул
7	Русский язык	Р.Шомахмудова ва б.	2007	беғул	7-синф				
8	Ўзбекистон тарихи	В. Костецкий ва б.	2007	беғул	1	Русский язык	И. Зеленина	2009	беғул
7-синф					2	Книга для чтения	Н. Сергеева	2009	беғул
1	Она тили	Ш. Каримова ва б.	2006	беғул	3	История Узбекистана	В. Костецкий	2009	беғул
2	Ўқиш китоби	М. Хўжаева	2009	беғул	8-синф				
3	Математика	А. Ахатов ва б.	2009	беғул	1	Русский язык	И. Зеленина	2009	беғул
4	Ўзбекистон тарихи	В. Костецкий ва б.	2007	беғул	2	Книга для чтения	Н. Сергеева	2009	беғул
5	Тикувчилик	О. Боқиева	2009	беғул	3	История Узбекистана	В. Костецкий	2009	беғул
6	Табиётшунослик	Ф. Назарова	2005	беғул	9-синф				
7	Ўзбекистон географияси	Х. Воҳобов	2009	беғул	1	Русский язык	И. Зеленина	2009	беғул
8	Русский язык	Р.Шомахмудова ва б.	2007	беғул	2	Книга для чтения	Н. Сергеева	2009	беғул

**ФАХРЛАНИШ
МАСЪУЛИЯТИ**

Марказий Осиёда ягона ва қулай транспорт турларидан бири бу — пойтахтимиздаги метрополитен ҳисобланади.

Мен ҳозирги кунда 1-Тошкент педагогика коллежида таҳсил олмоқдаман. Ўқишга бориб-келишим учун метрополитендан фойдаланаман, чунки ўқув даргоҳим «Чилонзор» бекати ёнида жойлашган. Шунинг учун менга метро ҳар томонлама қулай ва манзилга тезда етказиб қўяди. Пойтахтга узок-яқин қишлоқ ва шаҳарлардан келган юртдошларимиздан тортиб, хорижлик меҳмон ва сайёҳларни метрополитенда кўп учратиш мумкин.

Метрополитен қишда илиқ, ёзда салқин бўлгани учун жуда қулай.

Маълумотларга қараганда, Тошкент метрополитени ўзига хос шарқона дизайни ва тозалиги бўйича

Fikr



дунёдаги ривожланган давлатлардаги метролардан қолишмайди.

Сайёҳлар пойтахтимиз музейлари ва осори-атиқаларини, шахримизнинг гўзал иморатларини томоша қилиш билан бирга, албатта, шарқона дизайн асосида безатилган ерости саройини ҳам эътибордан четда қолдирмайди.

Метрополитендан фойдаланишнинг ўз қонун-қоидалари бўлиб, эскалаторда югурмаслик, ифлос қилмаслик ва ҳоказолар лозим.

Ҳар гал метрополитенга тушар эканман, беихтиёр ўзимда ифтихор туйғусини туяман. Бу фахрланиш



ҳисси эса зиммамга улкан масъулият юклагандек бўлади. Зеро, метрополитеннинг тоза-озодалиги, тартиб-интизоми бевосита мен каби оддий йўловчига ҳам боғлиқда. Аслида дарсларда ўқиётганимиз — ватанпарварлик тушунчаси ана шундай содда тушунчалардан улғайиши ҳақиқат.

**Дурдона РЎЗМОНОВА,
1-Тошкент педагогика коллежи
1-курс ўқувчиси**

**ХАВФСИЗЛИК
ҲАМКОРЛИҚДА
ТАЪМИНЛАНАДИ**



Ёнғин содир этилишининг олдини олиш, аҳоли ўртасида кенг кўламдаги тушунтириш ишларини олиб бориш, доимо хушёр туриш ёнғин хавфсизлиги ходимларининг асосий вазифаси ҳисобланади. Айрим ҳолларда инсонларнинг масъулиятсизлиги оқибатида, ёш болаларни қаровсиз қолдириш натижа-сида келиб чиқаётган салбий ҳолатлар ёнғин хавфсизлиги ходимларига катта қийинчилик туғдиради. Шундай ҳолатларнинг олдини олиш учун соҳа ходимлари ота-оналар, ўқитувчилар, маҳалла аҳли билан ҳамкорликда хавфсизлик чораларини кўриши, болаларга кўргазмани воситалар орқали тушунтириш ишларини олиб бориши талаб этилади. Гугуртдан ўзбошимчилик билан фойдаланиш, газни катталар рухсатсиз ишлатиш қандай оқибатларга олиб келишини мисоллар билан болаларга тушунтириш лозим. Ота-оналар боланинг қизиқувчан эканлигини бир зум эсларидан чиқармаслик-лари керак.

**С.ХАЛИЛОВ,
12-ХҲХО инспектори**



Она заминимизнинг бебаҳо неъматлари ичида анжир ўзининг хуш таъми, шифобахш ва тўйимлилиги билан алоҳида ажралиб туради. Манбаларда қайд этилишича, унинг таркибида 57—77 фоизгача қанд, органик кислоталар, С₁, В₁, В₂ витаминлари, оксил, пектин, минерал тузлар, жумладан, бир килограмм анжир қоқисининг таркибида эллик фоиздан ортиқ инсон организми учун ниҳоятда фойдали бўлган моддалар мавжуд. Куритилган анжирнинг калорияси гўшт, сут, тухум, ўрик каби маҳсулотлардан юқори эканлиги далилланган. Шунингдек, анжирдан қадимдан жигар, талоқ ва ўпка шамоллашини, асаб ва ичак касалликларини даволашда фойдаланилган. Анжир меваси ва қоқисидан тайёрланган дамлама йўтални тўхтатиш, балғам кўчишига ёрдам берса, шарбати асал билан омухта қилиниб кўз шамоллашини бартараф этишда синалган воситалардан саналади.

Табобат олами султони Абу Али ибн Сино балғам кўчириш учун мевасини, йўтални даф этиш учун эса анжирни сутда қайнатиб истеъмол қилиш малҳам эканини қайд этиб ўтган. Илмий медицинада унинг баргларида олинган «Псоберан» препарати тери ва соч тўкилиши сингари хасталикларга тавсия этилади. Шираси

бир қатор ашаддий замбуруғ ва бактериаларга қирон келтиради. Афсуски ана шундай минг дардга даво бўлувчи табиатнинг бу бебаҳо инъомидан фарзандларимиз айна пишиқчилик кезлари ҳам истаганларича тановул қилишади, дея олмаймиз. Нега? Бир жиҳатдан ҳамиша бошқа меваларга нисбатан анчайин қиммат баҳоланадиган анжир, хусусиятига кўра ҳам нозик ва эътибор талаб. Уни «макон»и саналган Сурхондарё томонлардан олиб келишнинг ўзига хос мушкулотлари бор. Тоғораларга битталаб жойлаштириб, ҳар қати орасига япроқлар ёзиб чиқилишининг ўзиёқ уни узилгандан сўнг кўп сақлаб бўлмаслигини англатиб туради. Демак, анжирни терилгандан сўнг имкон борича тезроқ истеъмол қилиш ёки сифатини йўқотмай қиём тайёрлаш ёхуд қуритиб олиш керак.

Биз суҳбатимиз давомида бугунги кунда камёблигича қолаётган анжир, унинг «табиати» хусусида фикр юритмоқчимиз. Мавзуимизга ойдинлик киритиш мақсадида Жанубий Ўзбекистон мева-узумчилик тажриба станцияси илмий ишлар бўйича раҳбар ўринбосари, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди Қайнар Файзиев билан мулоқот уюштирдик.

даларнинг чиқишига имкон яратиб, дарахтнинг «ёшариши»га замин яратди. Анжирнинг мевалари иккинчи ва учинчи тартиб шохларнинг бир йиллик новдаларида ҳосил бўлади. Шу боис уларни чилпиш мумкин эмас.

— **Ҳатто анжир танасининг ёриқлари ҳам зараркундаларга паноҳ бўлар экан. Уч мартагача авлод берувчи бундай зараркундаларга қарши курашнинг чоралари хусусида ҳам тўхталиб ўтсангиз.**

— Бизнинг иқлим шароитимизда анжирда анжир танахўри, анжир сохта колкондори, анжир парвонаси, анжирбарг урғочиси сингари ҳашаротлар учрайдики, уларнинг ҳар бири саксонтагача тухум қўяди. Улар сиз тилга олганингиздек, анжир танасида, барглари остида қишлаб, ўз ўзидан кўпаяверади. Анжирзорларни қишда 30—35 сантиметр чуқурликда ҳайдаш, бундай зараркундаларга

Qarasang, bog' unar

барг ёки қоғоз қўйиб яхшилаб жойлаштирилади ва зудлик билан қайта ушлаш учун жўнатилади. Уни узоқ жойларга ташиш ярамайди.

Сараланиб, баркашларга битталаб терилган анжир маҳсус хоналарда олтингугурт тунунида 1 м². жойга 150 гр. ҳисобида 4 соат эшиклар қаттиқ ёпилган ҳолда қўйилади ва сўнгра ташқарига олиб чиқилиб, куёш нури тушиб турадиган жойларга жойлаштирилади. Ҳавонинг иссиқлик даражасига қараб анжирқоқи 5—8 кунда тайёр бўлади. Шу давр мобайнида икки-уч марта айлантйрилиб, кўзгаб турилади. Ўта қуритиб юбориш ҳам қоқининг сифати пасайишига сабаб бўлади. Тайёр бўлган хушхўр неъмат қути ва қоғоз қопларда узоқ муддатга сақланиши мумкин.

— **Қайси навлардан республикамизнинг турли ҳудудларида экиб, юқори ҳосил олиш мумкин?**

— Қатор йиллардан буён олиб борилган илмий ва амалий изланишлар кўпгина анжир навларини иқлимлаштириш ва ишлаб чиқаришга тавсия этиш имконини берди. Улардан айримлари хусусида тўхталиб ўтмоқчиман.

«Крим-9» нави. Суриядан келтирилиб маҳаллийлаштирилган мазкур навнинг ўртача ўсувчи шохлари ҳар томонга ёйилиб, чиройли манзара ҳам ҳосил қилади. Мевасининг донаси 30 гр.гача бўлиб, пўсти юпқа, кўкимтир-сарик. Ҳар тупидан 20—30 кг.гача ҳосил олиш мумкин.

«Кадота» нави дунёнинг кўпгина мамлакатларида кенг тарқалган бўлиб, республикамизда ҳам районлаштирилган. Меваси таркибида 36, қоқисидо эса 72 фоизгача қанд моддаси мавжуд. «Крим-9» пишгач, тўкилиб кетмайди. «Кадота» эса шарбатга тўлиши билан бандидан узилиб тушади. Ҳар иккала нав ҳам экилгач, беш йилда ҳосил бера бошлайди.

Маҳаллий навларимиз сирасига кирувчи «Сариқ анжир» пишганда донасининг оғирлиги 60 гр.гача етади. Териси юпқа, уруғи, туқлари кам. Августнинг биринчи ўн кунлигидан октябрнинг ярмигача ҳосилини кўз-кўз қилиб турувчи бу навдан қўзи тайёрлашни маслаҳат бермаймиз.


Аҳоли томорқаларига экиш учун қулай ҳисобланган навлардан бири «Қарши қора анжир»дир. Меваси тухумсимон, банди қисқа, серсув, уруғи майда ва кўп. Бу навнинг ҳар тупи 40 килограмгача ҳосил беради. Лекин тез сариқ чириш касалига учраши мумкинлигини эътиборга олмоқ даркор...

Мен мутахассисларимиз томонидан худудимизда етиштириш учун тавсия этилган навларнинг баъзилари ва уларнинг ўзига хос жиҳатлари хусусида тўхталиб ўтдим. Бу ҳақда яна кўп мулоҳазаларни ўртага ташлаш мумкин. Она заминимиз шунчалар сахий, иқлимимиз боғдорчилик учун қулайки, ҳар қандай мевани етиштириш мумкин. Бу ёғи эса бизнинг уқувимиз, меҳнат-севарлигимиз, деҳқончилик илмига муҳаббатимизга боғлиқ.

— **Суҳбатингиз учун раҳмат.**

Ойбуви ОЧИЛОВА

БАРҲАЁТ ДАРАХТ



— Мамлакатимизда анжирнинг қандай навлари етиштирилади? Унинг ўзига хос жиҳатлари нималардан иборат? Экиш давомида нималарга эътибор қаратмоқ жоиз?

— Тутдошлар оиласига мансуб саналган анжир етиштириш тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Республикаимиз шароитида унинг ўттизга яқин навлари экилади. У тез ҳосилга кирувчи субтропик мевали ўсимликлардан ҳисобланиб, икки-уч йилда маҳсулини кўриш мумкин. Совуққа чидамсизлиги боис, ўсув даври кеч тугаб, кунлар исизи билан яна ривожлана бошлайди. Ҳарорат ўн беш даража совуққа етганда ер устидаги қисми тўлиқ зарарланиши мумкин, аммо илдиз тизими шикастланмайди. Умуман олганда, анжир учун кузги совуқ хатарли ҳисобланиб, республикамизнинг Сурхондарё вилоятидан бошқа ҳудудларида қишда кўчатларнинг кўмилиши мақсадга мувофиқдир.

Анжирдан мўл ҳосил олишда экиш учун ернинг тўғри танланиши ҳам муҳим аҳамият касб этади, яъни, бундай майдонлар сугориш ва ишлов бериш учун қулай, айна пайтда атрофи иссиқ ва совуқдан ҳимоялайдиган иҳота дарахтлари билан ўралган, куёш нури яхши тушадиган жой бўлмоғи керак. Анжир унумдор, ер ости суви чуқур жойлашган, атрофида зовурлар қазилган далаи яхши қилинади, аксинча, ботқоқланган, зах ва шўр ерларни хушламайди.

Экиш учун мўлжалланган майдон кузда аввал текисланиб, гектарига 20—30 тонна маҳаллий ўғит, 200—400 килограмдан суперфосфат, 100 килограмдан калий ўғити солиниб, 35—40 сантиметр чуқурликда ҳайдалади ва эрта баҳорда чизел қилинади. Қатор ораларига сувлаш қулай бўлган томонга қараб 5х4, агар новдалари ўстирилса, 4х3 схемада тайёрланиб, 50—60 сантиметрли чуқурлар қазилиб, кўчатлар март ойининг иккинчи ярми ва апрелнинг бошларида экилади. Сўнгра намлик нормал ҳолатда бўлса, кўчатдан 30—40 сантиметр атрофида ариқчалар қазилади. Кўчатлар сонининг тўлиқ бўлиши ва ўсишини таъминлаш учун кам миқдорда эгатларга

сув қўйилиб, тупроқ юмшатиб турилиши керак.

— **Билишимизча, анжир анчагина минерал ва маҳаллий ўғитларга «ўч» саналади. Айна пайтда бу «ўч»ликнинг меъёрларига амал қилиш ҳам билим, ҳам уқув талаб этади.**

— Албатта, ҳосилга кирган анжирзорларга ҳар уч йилда бир марта гектарига 20—30 тоннадан маҳаллий, 120 килограмдан азотли, 90 килограмдан фосфорли, 40 килограмдан калийли ўғитлар солинади. Азотли ўғитларнинг юқорида қайд этилган миқдорини эллик фоиздан бўлиб, дастлаб апрелнинг ўрталари, иккинчи марта эса май охирида мева тугунчалари пайдо бўлгандан сўнг бериш керак. Маҳаллий ўғитлар сепилгач, ер чуқур ҳайдалади. Минерал ўғитлар эса маҳсус агрегатларда 25—30 сантиметр чуқурликда солинади. Ўғитлангандан кейин эгатлар олиб сугориш яхши натижа беради. Ёш ниҳолларнинг қатор ораларига дуккакли ва кеч кузга қолмайдиган экинлар экиш мумкин.

— **Қаламчасидан кўпайтирилиб, совуқдан зарарланса-да, тезда тикланиб кетадиган анжир ўз вақтида «ёшартириб» борилса, юзга кирса ҳам мўл ҳосил беради, дейишади. «Ёшартириш»нинг ўзи нима? Анжирзорларга шакл бериш ва кесишда қандай талабларни инобатга олиш жоиз?**

— Сўзингиз бошида «Анчагина ноёб мевалар сирасига

қариб бораётган...», дея таъриф берганингиз анжир, аслида, тўғри парвариш қилинса, рўзгорнинг баракасига барака қўшиб, йиллар давомида дастурхонларимизни қишин-ёзин тўлдириб турувчи неъматдир.

«Ёшартириш»га тўхталишдан олдин гапни сал узоқроқдан бошласам. Анжир экилгандан сўнг биринчи йилнинг ўзидаёқ унинг шохларига шакл бериб борилади. Дастлаб 3—5тагача яхши ўсиб ривожланган новдаларнинг учини чилпиб, бошқа новдалар қолдирилади. Иккинчи йили баҳор ойида эса 2-3та асосан кучли ривожланган, мустаҳкам, бир текис ҳар томонга тарқалган новдалар 40, 60, 80 сантиметр атрофида қолдирилиб, қолган қисми олиб ташланади. Ўсиш даврида ҳар бир асосий шохларда 3—5тагача биринчи тартибдаги ҳар томонга қаратилган новдалар ҳосил солишига эришмоқ аҳамиятлидир. Улар 40 сантиметрдан сўнг чилпиб ташланади. Учунчи йили баҳорда иккинчи тартибда 3—5тадан новда қолдирилади. Уларнинг узунлиги 40—50 сантиметрни ташкил этиши керак. Шу йўсин тулпарга тўлиқ шакл берилади. Кейинги йилларда эса қуриган, синган, ортиқча шохлар олиб ташланади. Шу нуқтада «қаримас дарахт»нинг сирини очса бўлади. Дарахтларнинг ривожланишига қараб, дейлик, ўн беш-йигирма йиллик анжирларнинг 5—7 йиллик она шохлари олиб ташланади. Бу амал эса янги нов-

қарши курашнинг энг оддий ва самарали усулларидадир. Бунда барг ости ва тупроқнинг юза қисмида «ухлаётган» гумбаклар ернинг қатида қирилиб кетади. Қуриган ва ёрилган шохларни вақти-вақти билан қирқиб ёкиб юбориш ҳам ана шундай тадбирлардан ҳисобланади. Дарахтнинг гуллаш давридан олдин Каратени 0,1 ёки БИ-58-01, НуреллД-0,1 фоизли эритмаларни гектарига туб сонларининг қалинлигига қараб 500—800 литрли аралашма ҳолида пуркаш ҳам зараркундаларни йўқотишга хизмат қилади. Лекин, албатта, бу ишларни мева пишишидан 35—40 кун олдин тўхта-тиш шарт.

— **Бошқа ноз-неъматлардан фарқли ўлароқ анжирни териб олиш, шунингдек, қуритиш ҳам маҳсус ҳозирликларни талаб этади.**

— Анжир дарахти йилига икки марта ҳосил беради. Дастлаб июннинг охири, июль ойининг бошларида пишиб етилган мевалар таркибида ширалик даражаси нисбатан кам бўлиб, ҳосилдорлик ҳам анча паст бўлади. Июлнинг охиридан октябр ойигача анжирзорлардан 18—20 мартагача мева териб олиш мумкин. Ҳосилни эрталаб салқинда узган маъкул. Анжир ўзидан доимий шира ажратиш тургани боис куннинг иссиғида йиғиштириб олинса, сифатига салбий таъсир этиши мумкин. Терилган меваларни ўша жойнинг ўзидаёқ бандларидан тозалаб қутчаларга бир қатор



Хозирги мураккаб ва нотинч замонда ҳар бир шахсдан дунёга, дунёда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга очик кўз, теран тафаккур билан назар ташлаши, ҳодисаларнинг туб моҳиятини чуқур идрок қилиб, мустақил фикр-мулоҳаза юритиши тақозо этилади. Чунки собит этиқод ва ҳаёт принципларига, ўзининг мустақил фикрига эга бўлмаган одам замонани ҳам, бугунги оламни ҳам тўғри тушунолмайди. Бунинг учун, шубҳасиз, дунёбоҳабар ва кучли этиқод, қола-ижтимоий иммунитет за-вқирон авлод вакиллари сифатида шакллантириб келаётган ёшлар кўп. Шундай ёшлардан бири — Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультетининг III курс талабаси Висола Қаршибоевадир.

Va'da

Висола ўзи севаган касб — журналистика сир-синоатларини пухта эгаллаш учун астойдил ҳаракат қилмоқда. У билим олишда ҳам, ижодда ҳам фаол, изланувчан; мақсади ҳам аниқ: Висола етук публицист бўлмоқчи. Матбуотда эса яхши публицистларга ҳамиша эҳтиёж юқори бўлган. Бизнинг миллий журналистикамиз ҳам жаҳон майдонига чиқиши, ундан ўзининг муносиб ўрнини эгаллаши керак! Бу масъулиятли, машаққатли ва шарафли вазифа висолар авлоди зиммасида. Ана шу юксак ижодий мақсадни рўёбга чиқаришда Висола ва унинг шижоатли тенгдошларига куч-ғайрат, фидойилик тилаймиз.

Маҳмуд САЪДИЙ

Қариялар сони эса, икки баравар ошиб, 169 миллионга етади. Кўриниб турибдики, Фарбнинг «кексайиши» — башорат ёки яқин келажакнинг тасвири эмас. Бу ташхис, айна дамда ўрганилган фактларнинг аниқ баёнидир. Демак, бу гаплар қаҳва қуйқасига қараб фол кўришмас, математик ҳисоб-ки-тобларнинг аниқ натижаси деб қабул қилиниши керак.

«Фарбнинг ҳалокати» асарида муаллифнинг шарқликлар, хусусан, осиеликлар қаршидаги ҳадиқлари ўз аксини топмай қолмаган. Олимларнинг тахминларига кўра, 2050 йилга бориб Африка аҳолиси 1,5 миллиардга етади. Марокашдан Форс кўлтиғигача бўлган ҳудудда араблар ва турклардан иборат 500 миллион киши яшайди. Жанубий Осиеда эса, бу вақтда 700 миллионга яқин эронликлар, покстонликлар ва афгонлар, Бангладеш аҳолиси умргузаронлик қилаётган бўлади. Хиндлар сони бу даврда 1,5 миллиардга етади. Айна пайтда, Ин-

Бир қанча муддат Европа аёллари мана шундай дахшатли, табиат қонунарига зид қарашлар тазйиқи остида қолди. Аёллар учун мўлжалланган матбуот нашрлари, сериаллар, замонавий ро-

THE NEW YORK TIMES BESTSELLER

PATRICK J. BUCHANAN
The DEATH of the WEST

How Dying Populations and Immigrant Invasions Imperil Our Country and Civilization

ҲАЛОКАТ НА ФАСИ:

НАЖОТ НИМАДА?

Биринчи жаҳон уруши уч йирик империя — Чор Россияси, Австрия-Венгрия ва Усмонлилар давлатининг ҳалокати билан яқун топди. Иккинчи жаҳон уруши оқибатида «мингйиллик рейх» деган даъво билан майдонга чиққан фашистлар тузуми тор-мор этилди. Учинчи жаҳон уруши(совуқ уруш) социалистик тузумнинг барҳам топишига сабаб бўлди. Инкор этиб бўлмас тарихий факт ҳисобланган бу воқеалар бизни бугунги кунда тобора авж олиб бораётган ахборот хуружлари ва маданий таҳдидларнинг оқибати ҳақида ўйлашга мажбур қилади.

АҚШнинг собиқ президенти Ричард Никсон маъмуриятида маслаҳатчи лавозимида ишлаган атоқли сиёсатшунос олим Патрик Бюкенен «Фарбнинг ҳалокати» асарида айнан мана шу масалалар юзасидан атрофлича мулоҳаза юритади. Таъкидлаш керакки, 1992 ва 1996 йиллари Республикачилар партиясидан президентликка ўз номзодини кўйган бу инсон дунё сиёсатидаги бугунги жараёнлар ва уларнинг оқибатлари, сиёсий соҳадаги обу ҳавони олдиндан айтиш бўйича ноёб мутахассис, тажрибали эксперт ҳисобланади.

Жаҳон уфқидаги узоқ ҳукмронликдан кейин Фарб куёшининг ботиши ҳақидаги тахминлар П.Бюкенендан аввал Ф.Фукуяма, И.Валлерстайн, С.Хантингтон каби мутахассисларнинг асарларида ҳам ишончли тарзда асослаб берилган. Хусусан, инглиз ёзувчиси Артур Кларк «Болаликнинг якуни» (1950) деб номланган фантастик романида бошқа цивилизация босими остида жамиятдаги инсоний фазилатлар, кейинчалик инсониятнинг ўзи ҳам йўқ бўлиб кетиши жараёнини тасвирлайди. Бугун ушбу романдаги воқеаларнинг реал ҳаётга кўчиш эҳтимоли жуда юқори. Зеро, ҳар қандай миллатни, унинг маданияти ва ҳаётга бўлган муносабатини ўзгартириш мумкин. Александр Солженициннинг ибораси билан айтганда, «Халқни буткул йўқ қилиш учун унинг илдизига болта уриш керак». Шубҳа йўқки, оммавий маданият ва у билан боғлиқ бошқа ахборий хуружлар шу мақсадга хизмат қилмоқда.

Ўтган асрнинг 30-йиллари Америкада куртак ёза бошлаган оммавий маданият инқилоби бугунги кунда глобал ахлоқсизлик, маънавий инқироз ҳамда ёшлар онгидаги гедонистик қарашлар сифатида бутун дунё аҳолисининг биз билган турмуш тарзи, турли миллат ва халқларнинг бетакрор миллий ўзлигига раҳна солмоқда. «Одамларнинг эркинлик, миллат ва дин тўғрисидаги қарашлари бутунлай ўзгариб кетди», деб ёзади П.Бюкенен ва бунинг сабабларини куйидаги омиллар билан изоҳлайди.

Эмигрантлар. АҚШнинг собиқ президенти Жорж Буш инаугурация, яъни президентлик лавозимига киришиш

маросими чоғидаги нутқида шундай деганди: «Дунёда кучли ҳукмронлик, иқтисодий кудрат ёки маданий таъсир жиҳатидан Америкага тенг келадиган давлатнинг ўзи йўқ». Бироқ «кудратда тенги йўқ» бу давлат сон-саноксиз эмигрантлар оқими қаршида ожиз қолгани айна ҳақиқат. Ҳар йили қарийб 1 миллион нафар қонуний ва 1,5 миллион нафарга яқин ноқонуний эмигрант ўз омадини синаб кўриш учун «орзулар мамлақати» сари йўл олади. Ричард Никсон президентлигининг дастлабки йилида(1969 йил) «Колумб очган ер»даги туб бўлмаган(таъкидлаш керакки, П. Бюкенен Американинг туб аҳолиси деганда асл ерли халқлар — хиндуларни эмас, аксинча, уларнинг осуда ҳаётини замбараклардан ўққа тутган европалик истилочиларни назарда тутди. — В. К.) аҳоли сони 9 миллионни ташкил этган бўлса, кичик Жорж Буш ҳукмронлиги даврида бу рақам 30 миллиондан ошди. Бугунги кунда АҚШда яшайдиган, аммо яқин аждодлари америкалик бўлмаган аҳолининг сони 80 миллионга етди.

АҚШни «оёғи»дан чалаётган куч сифатида муаллиф айнан Лотин Америкаси мамлакатларидан келувчи эмигрантларни алоҳида «муҳаббат» билан тилга олади. «Тинч йўл билан босиб олиш сиёсати» оқибатида миллионлаб одамлар ўзлари туғилиб-ўсган ватанда гўёки бегонадек кун кечирмоқда. Улар оммавий маданият, гедонистик қадриятлар ва бир жинсга мансуб кишиларнинг тубан шахвоний муносабатлари гирдобига қолган. Мана шу одамлар бошқаларнинг кўз ўнгида қадимий байрамлар ва миллий қаҳрамонлар хотирасига «қасд» қилаёпти», — деб ёзади бу ҳақда П.Бюкенен.

«Қисир» Европа. Француз тадқиқотчиси Алфред Сиви Европани «эски уйларда яшовчи ва эски гоёлар гирдобига қолган қариялар қитъаси»га ўхшатади. Бу бежиз эмас. Қитъада ўртача туғилиш даражаси 1,4 баравар камайди. Фарб мамлакатлари таркибидagi мусулмон динига этиқод қилувчи Албаниядан ташқари, қолган барча давлатларда аҳоли сонининг кескин қисқариш жараёни кузатилмоқда. Аҳвол шу тарзда давом этадиган бўлса, XXI асрнинг охирига бориб, бутун бошли Европада бор-йўғи 207 миллион нафар туб аҳоли қолиши мумкин.

Италияда бир аёлга 1,2 бола тўғри келади. Европанинг бошқа мамлакатларида ҳам аҳвол деярли шундай. Агар Европада туғилиш даражаси ўсмаса, 2050 йилга бориб, 15 ёшгача бўлган болалар сони 40 фоизга камайди ва 87 миллион нафарни ташкил этади.

донезия 300 миллион, Хитой эса 1,5 миллиард кишидан иборат аҳолига эга бўлади.

Эҳтиёткорлик хатоси. Биринчи жаҳон уруши Германиянинг мағлубияти ва иккига ажралиши билан ниҳоясига етди. Бунинг оқибатида 50 миллионга яқин одам ҳалок бўлди. Шунга қарамасдан, 1919 йилдан кейин Германия аҳолиси жуда тез суръатларда кўпая бошлади. Бу ҳолат унинг яқин кўшниси Францияни хавотирга солиб қўйди. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг Япония, Германия ва АҚШда туғилиш кўрсаткичлари жуда юқорилаб кетди. Бироқ, 1960-йиллардан бўйи етган кизлар кўпболали оналаридан ўрнак олмасликни афзал билди ва... европаликлар кайфияти бутунлай бошқа томонга ўзгарди.

Урушдан кейинги туғилишнинг кескин ортиши(бейби-бум) 1946 йили бошланди, 1957 йили энг юқори даражага кўтарилиб, 7 йилдан кейин ниҳоясига етди. Айна уша даврларда кейинчалик фаровон Америкага «гўр қазиган» шу ерлик доктор Рокнинг контрацепция воситалари кашф этилди. 1970 йилнинг ўзидаёқ америкаликларнинг 43 фоизи бу «дори»лардан фойдаланарди. Оқибатда ахлоқсизлик уят ҳисобланмай қолди, уни очикдан-очик тарғиб қилиш авж олиб кетди.

Телевидение таъсирида умумий тарбия олган бейби-бумерлар авлоди эркин ҳаёт кечирши орзуси билан ёнарди. Улар учун ота-онадан ҳам меҳрибонроқ, хушчақчароқ «энага» вазифасини бажарган телевизор болаларнинг барча саволларига «Истайсанми, ол!», дея жавоб берар, уларни худбинликка, бугунги кун билангина яшашга ўргатарди.

Замонавий «амазонка»лар. Япониялик аёлларнинг ярмидан кўпи 30 ёшга кириб ҳам турмуш куриш ҳақида ўйламайди. Жамиятнинг «қариқиз» деган тамғаси остида улар ота-она билан яшаб, бирин-кетин мансаб зина-полярлардан юқорига кўтариллади. Эр, фарзандлар, оила деган ижтимоий ҳодисалар аёллар учун у қадар катта аҳамиятга эга эмас. Бу қариқизларнинг шиори «Ўзинг учун яша ва ҳаётдан баҳра ол!».

Оила фақат машаққат, қийинчилик ва меҳнатдан иборат, деган хулосага келган фарбик аёллар учун касб поғоналарини забт этиш ва одамлар орасида шон-шухрат қозониш истикболи оналик бaxтига қараганда жозибалироқ кўрина бошлади.

Бундай гоёлар, худди кучли ер силкинишидек, жамият ривожини тўхта-тиб қўйишга хизмат қиларди, холос.

манлар, ТВ кўрсатувлари ва прайм-тайм (аҳолининг катта қисми телевизор қаршида ўтирадиган 3 соатлик вақт) — барчасида мансаб, жинсий алоқа ва аёлларнинг эркинлиги тараннум этила бошлади.

1973 йилнинг охирида америкалик етакчи феминист аёллар — Нэнси Леманн ва Хелен Саллинггер феминистлар ҳаракатининг янги манифестини эълон қилди. «Никох, — дейилади унда, — эркаклар томонидан ўйлаб топилган ва уларнинг фойдасига хизмат қилувчи ижтимоий ҳодисадир. У ўзида аёл устидан ҳукмронлик қилишнинг қонун билан белгилаб қўйилган усулини ифода этади».

«Биз учун табиийдек кўринган «оила» тушунчаси йўқотилиши керак. Оилалар одамларни бир қобиқ ичидаги кичик гуруҳларга ажратиб, уларни бирлашиш ва умумий манфаатлар учун курашиш имкониятидан маҳрум қилади», — дейди яна бир америкалик феминист аёл Линда Гордон.

«Тиниб-тинчимаган» феминист аёллар ҳақидаги эртақ қаҳрамонларнинг мурод-мақсадга етишлари билан яқун топмади. Файласуф Ричард Уивернинг «Фикрлар оқибати» китобида келтирилишича, феминист аёллар ҳаракатидан сўнг турмуш курмасдан бирга ҳаёт кечираётган жуфтликлар сони 1000 фоизга ошди. 1970 йили улар сони 523 минг кишини ташкил этган бўлса, бугунги кунда ушбу кўрсаткич 5,5 миллионга етди.

2000 йилги АҚШ аҳолини рўйхатга олиш комиссиясининг маълумотларига қараганда, ҳар тўрт хонадоннинг биридагина ота-она ва фарзанддан иборат тўлиқ оила яшайди. Ёлғиз ҳаёт кечирувчи америкаликлар эса мамлакат аҳолисининг 26 фоизини ташкил этади. Зеро, ёзувчи Сторм Жеймисон «Стивен Хайднинг ёшлик йиллари» асарида айтиб ўтганидек, «оилавий қадриятлар шундай тушунчаки, уни парваришлаш, ривожлантириш, асраб-авайлаш керак».

XX асрнинг 50-йиллари ажралишга худди улкан жиноят, илдизга урилган болта, жамиятнинг энг тубан қатламлари учунгина хос бўлган ҳолат сифатида қараларди. Бугун эса никохларнинг ярми ажралиш билан яқун топмоқда. Одамлар оилавий ҳаёт эмас, шунчаки «муносабат»лар ҳақида ўйлаб бошладилар.

Хозир ва шу ерда. «Америка ҳеч қачон қон ёки худуд жиҳатидан бирликни тан олмаган. Бизни янги чўққилар сари етакловчи идеаллар бирлаштиради. Айна улар бизни америкалик бўлишга ўргатади». Бу сўзлар

юқорида зикр этилган инаугурация чо-
да айтилган. Бу фақатгина маросим-
да сўзланган нутқ эмас, балки амери-
каликлар қалбида кечаётган ҳиссиёт-
лар, мақсадлар ифодаси ҳамдир.

«Америка халқи ўз хоҳиши билан
шу қарорга келган одамлардан ибор-
рат миллатдир, — дейди америкалик
мутафаккир Артур Шлезингер. — У эт-
ник бирликларга асосланмаган. Биз-
нинг қадриятларимиз — шунчаки, урф-
одат ёки тасодифий вазиятлар нати-
жаси эмас. Бизга уларни тарих бер-
ган. Биз уларни бошдан кечирганмиз,
улар бизнинг ҳаётий тажрибамиз, буюк
ҳужжатларимиз, аъёна ва удумлари-
мизда муҳрланиб қолган. Қадриятла-
римиз бизнинг манфаатларимизни
ҳимоя қилади. Шунинг учун биз улар
билан бирга яшаймиз ва улар учун
ҳатто ўлишга ҳам тайёрмиз».

Индивидуализм асрида инсонлар
фақат «ҳозир ва шу ерда» деган прин-
цип асосида фикр юритади. Турли ди-
ний қарашлар, масалан, ўлимдан
кейинги ҳаётга шубҳа билан қарайди.
Умр ва ўтаётган кунларнинг мазмуни-
га ишонади, муқаддаслигига эмас! Ҳеч
ким унга қандай яшаш кераклигини
ўргатишни хоҳламайди.

«Телбалик одамлар учун ҳаётий
меъёрга айландими, демак, маданият
жар ёқасига келиб қолган», деган эди
адиб Жак Барзун.

Миллат ўзининг тараққиёт йўли,
урф-одатлари, маданиятини бой берар
экан, у миллат сифатида ўлади. Ҳеч
ким унда «миллат» деган муқаддас ту-
шунча ифодасини кўрмайди. Барзун-
нинг фикрини давом эттирар экан,
П.Бюкенен дунёдаги, хусусан, мамла-
катдаги вазиятга ўз муносабатини ҳам
билдириб ўтади: «Оммавий маданият
инқилобидан кейин Америкада ҳукм-
ронлик янги қатлам «қўл»ига ўтди. Тур-
ли ғоялар, тимсоллар, кўнгилхушлик
саноати ва таълим воситалари орқали
онгни эгаллаб, ҳукмронлик ўрнатаёт-
ган ушбу доира бутунлай янги дунё
аҳолиси — янги миллатни яратмоқда.

Дунёнинг оёқлари осмондан бўлди.
Кечаги ҳақиқатни бугун афсонадек
қабул қила бошладилар. Аввал фанта-
стикадек кўринган айрим ҳодисалар-
нинг реал воқеалардан фарқи йўқ.
Кеча номининг ўзиёқ инсонларни даҳ-
шатга солган аборт, эвтаназия, худ-
кушлик ва ахлоқий бузқўлик бугун
прогрессив жамият ютуқлари деб тал-
қин қилинмоқда. Янги маданият саҳ-
росининг бугунги сарбонлари шон-
шухрат, пул ва жинсий алоқадан
бошқа ҳеч нарса эмас».

Оммавий маданият инқилобининг
ғалабаси бир неча авлод алмашину-
видан кейин амалга ошди. Энди бу
сохта маданият билан курашда ҳам бир
неча авлод вакилларининг ёрдами ке-
рак бўлади...

Ғарб ва Шарқ тўқнашуви. Ғарб
ва Шарқни таққослаш, оламнинг ҳар
икки томонига тегишли ютуқ ва кам-
чиликларни таҳлил қилиш мавзуга шу
қадар кўп мурожаат этилдики, бу ҳақда
айтилмаган яна нима қолди, деган сав-
ол туғилиши табиий. Қулоғингизга
чалинган бўлса, европалликларнинг
қизиқ бир гапи бор: «Ғарбда бир одам
аксирса, Шарқда грипп тарқалади». Ту-
шунганингиздек, ушбу ибора Ғарбнинг
нақадар кучли таъсирга эга эканлиги
ҳақида. Аммо Хитой тажрибаси кўрсат-
моқдаки, «камтар кутб» аҳолиси «им-
портний» этикларсиз ҳам кишдан бе-
малол чиқа олади. Бу — ғарбликлар-
нинг зўр бериб аксиришига қарши
Шарқда ўзига хос иммунитет шаклла-
наётир, дегани. Маданий инқилоблар
ва сохта манфаатлар ботқоғига чўка-
ётган Ғарбнинг ўзи эса бугун ёрдамга
муҳтож.


Глобаллашув ҳеч қандай чегарани,
темир панжара-ю, бетон деворларни
тан олмайди, буни яхши биламиз. Шу-
нинг учун «Қиш ғамини ёзда е» мақо-
лига амал қилган ҳолда, «кирза этик»
ва «макси-калиш»ларни олдиндан тай-
ёрлаб қўйганимиз маъқул.

Ютугимиз шундаки, биз — Шарқ-
миз. Бизда Ғарб йўл қўйган хатолар-
дан тўғри хулоса чиқариш ва уларни
такрорламаслик имконияти бор. Наҳот
ҳам! Ундан фойдалана олсак, бас.

Висола ҚАРШИБОВЕВА,
«Ma'rifat» муҳбири

ЯНА ХАВОТИР ТУҒДИРМОҚДА

Эйяфьядлайокудль (Исландия) вул-
қони фаоллашуви натижасида юзага
келган тутунли булут Ирландия томон
ҳаракатланиши хавфи борлиги сабаб
мамлакатдаги барча ички ва халқаро
парвозлар вақтинча бекор қилинди. Рас-
мий вакилларнинг хабар беришича,
хавф ортда қолганига ишонч ҳосил
қилинмагунча парвозларга ружат берилмайди. Бу ҳақида
«Регнум» маълум қилди.



Шу билан бирга, мутахас-
сислар вулқон кули концен-
трацияси ошганини билди-
ришган. Натижада, Бирлаш-
ган Қироллик, хусусан, Шот-
ландияда ҳам аэропортлар
фаолияти қисман тўхтатилди.
Айни пайтда парвози кечик-
тирилган йўловчилар тез
орада авиация ходимлари то-
монидан вазият ўзгаргани
ҳақида хабар қилинишига
умид боғлашмоқда.

6,4 БАЛЛИ ЗИЛЗИЛА

Океанorti Геологик хизмати берган маълумотларга қара-
ганда, Чилида 6,4 магнитудали ер қимирлаши содир
бўлган. Ҳозирга қадар табиий офатдан кўрилган-моддий
зарар ва қурбонлар тўғрисида ҳеч қандай маълумот олин-
маган.

Сейсмологларнинг таъкидлашича, табиий офат мамла-
кат марказидаги Темуко шаҳ-
ридан 110 километр шимо-
ли-шарқда юз берган экан.
Зилзила ўчоғи эса 10 кило-
метр чуқурлик-
да, деб белги-
ланган.




Умуман ол-
ганда, Чили
аҳолиси жорий йилнинг февраль ойидан буён зилзиладан
азият чекмоқда. Бундан олдингиси эса 2 май куни кузати-
либ, унинг магнитудаси 5,9 балга тенг эди. Уша пайтда
ерости силкинишлари пойтахт Сантьягодан 135 километр
жануби-ғарбдаги ҳудудларда кузатилган. Сўнгги маълумот-
ларга кўра, шу пайтгача содир бўлган зилзилалар туфай-
ли мамлакат иқтисодиёти 30 миллиард долларга тенг мод-
дий зарар кўрган.

ЭНГ АРЗОН ЭЛЕКТРОМОБИЛЬ

Япониянинг «Ниссан» автомобиль ишлаб чиқариш кор-
хонаси тез орада ҳозирча энг арзон, дея эттироф этила-
ётган уловга буюртмалар қабул қилишни бошлайди. Янги
моделнинг номи «Лиф» (инглизча «барг» сўзидан олин-
ган). Янги автомашини ўз эгаларига жорий йил охирида
етказиб берилиши режалаштирилмоқда, дейилади км.ру
сайтида.

Ташқи кўринишидан «Ниссан Лиф» модели беш эшikli
электрулов бўлиб, унинг орқа oynalari дарaxт барги
дизайнида ишланган. Техник янгиликнинг қуввати 80 кВт.га
тенг ва у соатига 140 километргача тезликда ҳаракатлани-
ши мумкин. Япониянинг ўзида электромобиль 40 минг
долларга сотилиши кўзда тутилган. Компаниянинг расмий
вакиллари берган маълумотларга кўра, бошқа корхона-
ларнинг шу турдаги маҳсулотлари 50 минг доллардан кам
бўлмаган нарҳда сотилаётгани боис, у ҳозирда энг арзон
электромобиль ҳисобланмоқда.

Этиборлиси, электромобиль деярли шовқин чиқармай
ҳаракатланади, унга электр қуввати билан ишлайдиган мо-
тор ўрнатилгани боис ҳавога тутун
чиқмайди. Улов эгалари фақат бир
қоидани доимо
ёдда тутиши за-
рур: махсус ажра-
тилган жойга
қўйгандан сўнг уни
электр қуввати
манбаига улаб
қўйиш талаб эти-
лади.



Айни пайтда электромобиль ютуқлари билан бирга-
ликда баъзи ноқулайликларни ҳам туғдириши мумкин. Ма-
салан, унинг бир марталик қувват олиши 160 километрга
етади, холос. Шунингдек, уни фақат махсус жойлардагина
қувватлаш мумкин. Бундай жойлар эса ҳозирча бармоқ
билан саналадиган даражада. Лекин мутахассислар келгу-
сидаги саъй-ҳаракатлар камчиликларни бартараф этишга
йўналтирилишини айтишмоқда.

«Ниссан» компанияси раҳбарияти янги турдаги электро-
мобиль ва унинг ишлаши учун зарур литий-ионли ак-
кумуляторлар бир пайтнинг ўзида учта мамлакат — Япо-
ния, АҚШ ва Англияда ишлаб чиқарилишини ҳам маълум
қилди.




ЛАЗЕРЛИ УСКУНАНИНГ КЎМАГИ

Калифорния университети илмий хо-
димлари Ойга 1970 йили чиқарилган
«Луноход-1» апаратида ўрнатилган нур
қайтаргичдан сигнал қабул қилиб,
ҳозирда унинг аниқ жойлашуви коорди-
наталарини аниқлашга муваффақ бўлди.

Бунда «Лунар реконессенс орбитер» лазерли ускунасидан
фойдаланилди, деб ёзади «Нейчэ геосайнс» нашри.

Мазкур самовий аппарат Ер йўлдошига «Луна — 17»
сайёраларо станцияси орқали етказилганди. Лойиҳа до-
ирасидаги вазифаларни бажариш давомида «Луноход — 1»
жами 10 540 километр масофани босиб ўтиб, кўп сонли
суратларни Ердаги станцияга узатишнинг уддасидан чиқ-
қан. 1971 йили у билан алоқа узилганидан сўнг дастур
яқунланганди.

— Қурилма бурчакли нур қайтаргич билан жиҳозлангани
мутахассисларга маълум
эди, — деди тадқиқотчи
Том Мэрфи. — У эса
узоқликни лазер ёрда-
мида ўлчаш усули бўйича
Ер ва Ой ўртасидаги
масофани аниқ белги-
лаш имконини берган.
Нур қайтаргич ёки ил-
мий тилда айтиладиган
бўлса — рефлектор сиг-
налинин лойиҳа тамом-
ланган 1971 йилдан бери
ҳеч ким пайқамаган. Тадқиқот
жараёнида биз Ой юзасидаги бошқа учта нур қайтаргич-
лардан фойдаландик. Бу «Апполон» ва «Луноход-2» кос-
мик аппаратлари рефлекторларидир.



Аслида Мэрфи раҳбарлигидаги бир гуруҳ олимлар охи-
ри икки йил давомида бу борада изланиш олиб бораётган-
ди. Шу ўринда айтиш жоизки, қурилмага ҳалигача қизи-
қишнинг юқори бўлганига сабаб — у бошқаларга нисбатан
Ойнинг ички тузилиши, орбиталари ва нисбийлик назари-
ясини тадқиқ этишга қулайдир. Мана ниҳоят, «Лунар реко-
нессенс орбитер» қурилмани топди ва унинг юқори сифат-
ли суратларини жўнатди.

Мутахассисларнинг айтишича, улар қидирув ишлари да-
вомида аппарат аниқланган ҳудуддан бироз четлашиб кет-
ган экан.

— Биз қайд қилган сигналнинг кучли экани кўпчиликни
ҳайрон қолдирди, — дейди Том Мэрфи. — Чунки Ойдаги
ҳозирча ишлаб турган бошқа «Луноход — 2» қурилмаси
қуввати 750 фотонга тенг сигнални қайтаради. Тадқиқот
жараёнида эса биринчи уринишдаёқ 2000 ёруғлик кванти-
га тенг кўрсаткич белгиланди. Шундан келиб чиққан ҳолда
эндиликда «Луноход — 1» самовий ускунанинг салкам 40
йиллик «танаффуси»га барҳам берилди, дейиш мумкин.

«ҚИЗИЛ САЙЁРА»ДА МУЗ ҒОРЛАРИ БОРМИ?

Колорадо ва Браун университетлари олимлари Эймс ил-
мий тадқиқот маркази вакиллари билан биргаликда Марс-
да лава оқимлари натижасида юзага келган туннелларда
улкан ҳажмдаги музликлар бўлиши мумкинлигини айтиш-
япти. Уларнинг шу мавзуга бағишланган мақоласи «Нью
Сайентист» журналида чоп этилди.

Илмий тилда лава қувурлари номини олган мазкур тур-
даги табиат ҳодисалари вулқон жинси ҳаракатланиши
оқибатида юзага келадиган табиий ерости каналлари
бўлиб, улар Ер ва Ойда кўп кузатилади. Бундай «табиий
қувур»нинг шаклланишида қизиган тоғ жинси оқимининг
устки қисми қотиб қолади ва шу тариқа лава массасининг
асосий қисмини ҳимоя қилади. Ҳаракатланаётган лава ўзи-
дан кейин бўшлиқ қолдиради.

Марсда бу каби ерости ғорлари вулқон ҳудудлари ҳисоб-
ланган Тарсис ва Элизиум провинцияларида учрайди. Ху-
суслик, Тарсисда Олимп, Акреус, Павонис ва Арсия каби
йурик вулқонлар жойлашган бўлса, иккинчи провинцияда
Геката, Элизиум ва Альбор номидагилари бор. Умуман ол-
ганда, лава туннеллари ҳақидаги бу каби тахминлар аввал
ҳам илгари сурилган. Аммо галдаги изланишлар пайтида
тадқиқотчилар уларни ривожлантириб, муз қатламлари маж-
муининг компьютер моделини яратишнинг уддасидан чи-
қишган.

Уларнинг маълум қилишича, кундузи нисбатан иссиқ об-
ҳаво шароитида кислород ғорлар ташқарисида кузатила-
ди. Кечаси эса ҳаво совиганда у сув буғи шаклида ғорга
оқиб туша бошлайди ва унинг деворларига ўрнашади. Бун-
да ҳосил бўлган муз турғун ҳолатда 100 минг йил ҳам
сақланиши мумкин экан.

Олимларнинг билдиришича, келажакда Марсга экспе-
диция уюштирадиган астронавтар муз захираларидан сув
манбаи сифатида фойдаланиши мумкин. Бунинг устига лава
туннеллари Қуёш нурларидан ҳимоя қилиш макони вази-
фасини ҳам ўтайди.

Н.РУСТАМБЕКОВА тайёрлади.

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюш-
маси Марказий кенгаши жамоаси таълим ва фан хо-
димлари касаба уюшмаси Наманган вилояти кенгаши
раиси Роза Дехқоновага акаси
Мурод ДЕХҚОНОВнинг
вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.



Республика бўйича кар ва заиф эшитувчи болалар мактаб-интернатларида фойдаланилаётган дарсликлар ҳақида маълумот

Table with 5 columns: №, Дарсликлар, Муаллиф, Нашр йили, Таъминла- ниш тури. It lists textbooks for grades 1 through 6, including subjects like Language, Math, and Science.

Table with 5 columns: №, Дарсликлар, Муаллиф, Нашр йили, Таъминла- ниш тури. It lists textbooks for grades 7 through 11, including subjects like Language, Math, Science, and History.

Изоҳ: юлдузча кўйилган дарсликлар умумтаълим дарсликлари.



БИР МУСОБАҚАДА 11 МЕДАЛЬ

Анджон вилоятида болалар спортини ривожлантириш мақсадида қатор ишлар амалга оширилмоқда. 2010 йил биринчи чорагининг ўзида ёқ ёш спортчилар республика ва халқаро мусобақаларда вилоят шарафини муносиб ҳимоя қилиб, кўплаб медалларни кўлга киритишди.

Тобора оммалашаётган сузиш спорт турида ҳам Анджон ёшлари фаолликка интилоқда. Хусусан, ВХТБ тасарруфидаги болалар ва ўсмирлар сузиш спорт мактаби вакиллари Фарход Амилов, Нодира Шамсиддинова ҳамда Маъмурбек Юсупов жорий йилнинг март ойида Германиянинг Франкфурт шаҳрида ёшлар ўртасида ўтказилган халқаро турнирда иштирок этишди. Унда ёш спортчилар 100, 300 ва 400 метрга сузиш бўйича 9 олтин ҳамда 2 кумуш медални кўлга киритди. Шу билан бирга, Тошкентда шу йил

мартда ўтказилган мамлакат чемпионатида иштирок этган вилоят терма жамоаси жами 7 олтин, 5 кумуш ва 3та бронза медалларига эга бўлди. Ана шундай ютуқларни кўлга киритишга сабабчи бўлган жамоа бош мураббийи Рустам Амилов эса «Энг яхши мураббий» дея эътироф этилди. Ҳозирда сузиш мактабининг ёш спортчилари 17—24 май кунлари Австриянинг Уэльс шаҳрида Тайпиедо кубоги халқаро мусобақаларида қатнашиш учун қизғин тайёргарлик кўрмоқда. Шунингдек, бошқарма тасарруфидаги 2-бола-

лар ва ўсмирлар спорт мактабининг қиличбозлик бўлими спортчилари Рустам Уразбахтин ва Саидбек Жаебаев шу йил Филиппин пойтахти Маниладаги Осие чемпионатида 24 давлатнинг 400 нафардан ортиқ қиличбозлари орасида муваффақиятли иштирок этиб, 5-ўринни эгаллади. Шунингдек, теннис мактаби спортчилари Элмурод Холиқов, Умид Зокиров, Гулнора Акбарова ва Одинахон Ортиқова эса Фарғона вилоятида ўтказилган мамлакат чемпионати мусобақаларида 1тадан олтин ва кумуш медални кўлга киритиб, Ўзбекистон кубоги соҳиби бўлишди. Вилоятда енгил атлетика билан шугулланувчи ва ютуқлари эътирофга арзигulik ёшлар ҳам талайгина. Улардан Кўр-

гонтена ХТБ тасарруфидаги 1-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби спортчилари Наргиза Мадаминаова, Саида Акбарова, Дурдона Нейматжоновна ва Жаҳонгир Машрабов пойтахтимизда ўтказилган енгил атлетика бўйича халқаро мусобақада мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишди. Яқунда улар 2 олтин ва 2 кумуш медаль соҳиби бўлди. Анджон вилояти спортчилари Собитхон Алимов ва Раъно Омонова ҳам жорий йилнинг ноябрь ойида Хитойда ўтказилган XVI Осие ўйинларида иштирок этиш ҳуқуқини кўлга киритишган. Келгуси мусобақаларда барча спортчиларимизга зафарлар тилаб қоламиз. **Гулюз СИДДИҚОВА,** Анджон вилояти



ШОҲСУПАДА ЯНА НАДАЛЬ

Испаниялик теннис афсунгари Рафаэль Надаль бир неча ой давом этган муваффақиятсизликдан сўнг яна шоҳсупага кўтарилди. У ўзининг охириги галабаси билан ўзига хос бир рекордни ҳам такрорлади.

Нуфузли «Мастерс» туркумига кирувчи турнирларда иштирок этиб, тўплаган совринлари борасида Надаль америкалик машҳур теннисчи Андре Агассига етиб олди. Ажабланарли томони шундаки, Агасси бу унвонларни бутун фаолияти мобайнида тўплаган, Надаль эса ҳали кортда узок йиллар ҳаракат қилишига ишонса бўлади. Демак, у рекордни янгилашга ҳам улғуриши мумкин. Римда киритган охириги кубоги Рафаэлининг 17-совринидир. У 1 соату 44 дақиқага чўзилган ёмғирли финалда ватандоши Давид Феррерни икки сет натижасига кўра, 7:5, 6:2 ҳисобида мағлуб этди. Мазкур икки ракеткачи фаолияти давомида ўзаро 14 бора рўбарў келган ва 11 марта Надалнинг устунлиги кузатилган.

«МИЛАН»НИ КИМ БОШҚАРАДИ?

Футбол бўйича Голландия терма жамоасининг собиқ бош мураббийи Марко ван Бастен Италия «А» сериясининг энг донгдор клуби — «Милан»ни бошқаришга номзод мутахассислардан бири сифатида қайд этилмоқда.

Жорий йил эзида ван Бастен клубнинг амалдаги устози бразилиялик Леонардо ўрнини эгаллаши мумкин. Бу ҳақда жамоанинг ягона соҳиби Сильвио Берлусконни «Goal.com» интернет нашри орқали «ишора» қилган. Боиси бу йилги мавсумда «Милан» ҳам ички, ҳам ташқи турнирларда кўнглидагидек иштирок этолмади. Италия чемпионати тугашига 3та тур қолганда «Милан» 3-ўринда турибди, юқорилашнинг эса мутлақо имкони йўқ. Ван Бастен «Милан» сафида 1987—1993 йиллари тўп сурган. У 2004—2008 йилларда Голландия термасини, 2009 йили «Аякс» клубини бошқарди.

Ван Бастендан ташқари, «Милан» раҳбарияти Мауро Тассотти, Филиппо Галли, Массимиляно Аллегри ва Франк Райкард номзодини ҳам кўриб чиқяпти.

ДУРАНГА ИМЗО ЧЕКИЛДИ

Ҳиндистонлик машҳур шахматчи, амалдаги жаҳон чемпиони Вишванатан Ананд ва яна бир замонамизнинг илғор гроссмейстери болгариялик Веселин Топалов ўртасидаги баҳс тобора ҳал қилувчи палласига яқинлашаёттир.

Вишванатан София шаҳрида кечаётган матчларда ўзининг чемпионлик унвонини ҳимоя қилаётган бўлса, Топалов аксинча, мазкур унвон ўз юртида қолиши учун курашяпти. «Ақл муҳорабаси»нинг еттинчи партиясида томонлар дуранга имзо чекишди. Душанба кунги ўтказилган ушбу баҳсда Ананд оқ доналар билан ўз юришларини амалга оширди. 58-юришдан кейин иккала шахматчи ҳам муроса кўчасини танлашга мажбур бўлди. Шунга қарамай, Ананд етакчилики давом эттиряпти, умумий ҳисоб ҳозирча 4:3. Шахматчилар ўртасидаги саккизинчи партия ўйинларида энди Топалов оқ дончаларни «бошқаради».

Дурдона СУЛТОНОВА, Зарнигор БАҲРОНОВА тайёрлади.

ВОҲАДА ТАРАДДУД ҚАНДАЙ?

«Universiada—2010»

Қарши давлат университети юртимизнинг маънавий-маърифий ҳаёти юксалишида ўзига хос ўринга эга. Ушбу олий ўқув юртини битирган кадрлар нафақат Қашқадарё, балки барча вилоятларда фаол меҳнат қиляпти. — Жисмоний маданият ва спорт ишларини яхши йўлга қўйиш университетимиз жамоаси олдидаги энг долзарб ва муҳим вазифалардан саналади, — деди Қарши давлат университетининг маънавий ва маърифий ишлар бўйича проректори Холмурод Каримов. — Жисмоний маданият факультетида айни кунда 562 нафар талаба таълим олаяпти. Уларга 1 нафар фан доктори, 5 нафар фан номзоди ва доцентлар, 40 нафар айнан шу соҳада илмий изланишлар олиб бораётган катта ўқитувчи ҳамда ассистентлар дарс беришяпти. Устозларимизнинг самарали изланишлари натижаси ўлароқ, кейин-

ги беш йилда жисмоний маданият ва спорт йўналиши бўйича 3 дарслик, 1 ўқув қўлланма, 51 услубий қўлланма ва яна бир қанча электрон дарслик яратилди. Айни кунда университетда жисмоний маданият ва спорт ишлари ойлуги ўтказилляпти. Талабалару устозлар, раҳбарлару мураббийлар Анджонда бўлиб ўтадиган «Universiada—2010» спорт мусобақасининг сўнгги тайёргарлик ишларига эътибор қаратган. — Бу беллашувларда спортнинг 12 йўналиши бўйича вилоятимиздан 125 нафар талаба иштирок этиши режалаштирилган бўлса, уларнинг 87 нафари университетимиз талабаларидир, — дейди Холмурод Каримов. — Қолган 38 нафарини Қарши муҳандислик ва иқтисодиёт институти талабалари ташкил этади. Деярли барча йўналишлар бўйича иштирокчиларимиз аниқланди. Улар университетимиз

спорт мажмуаларида, Қарши шаҳридаги «Насаф» стадиони, Олимпия захиралари спорт коллежи ва 11-умумий ўрта таълим мактабида машғулот олиб боришяпти. Уларга университет раҳбарияти томонидан керакли шарт-шароитлар яратиб берилган. Университетимиздан 17 нафар, Қарши муҳандислик ва иқтисодиёт институтидан 4 нафар мураббий спортчи ёшлар билан доимий тарзда машғулот олиб боришяпти. Бу йилги «Universiada—2010» спорт мусобақаларида қашқадарёликларнинг юқори ўринларга даъвогарлиги ҳеч кимни ажаблантирмайди. «Интилганга толе ёр», дейди доно халқимиз. Биз ҳам спортчи талабаларга «Universiada—2010» спорт мусобақаларида улкан омадлар тилаймиз! **Абдували ОБИДДИНОВ,** «Ma'rifat» муҳбири

Qaror va ijro

МУРАББИЙЛИКНИНГ ИЛК ҚАДАМЛАРИ

Устоз-мураббийларга халқимиз ўзгача ҳурмат билан қарайди. «Устоз отангдек улуг» деган нақлнинг негизида ҳам унинг маънавий жиҳатдан ота-онамиз билан тенглиги кўрсатиб берилган. Шунинг учун устоз бўлишни орзу қилаётган ёшлар орамизда талайгина. Бу каби ниятлар билан Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтини тамомлаётган ёшлардан бири Мартаба Наматуллаевадир. 1987 йили Қорақалпоғистон Республикаси Амударё туманидаги сўлим Қипчоқ қишлоғида таваллуд топган Мартаба болалигидан дарёда сузиб, тенгдошлари билан спорт ўйинларини ўйнаб юрарди. Мактаб даврида жисмоний тарбия дарсларида бир неча спорт тури билан фаол шугулланиб юрган спортчи қиз теннис, волейбол ўйнашни хуш кўрарди. Жисмоний тарбия ўқитувчиси Сатбай Наъметов унинг қобилиятини ўз вақтида англаб, қизиқишларини тўғри йўналтира бошлади. Натижада, спортчи қиз мактаб ва туман миқёсидаги мусобақаларда иштирок этиб, илк галабаларига

эришган. Шундан сўнг ота-онаси ва мактабдаги устозларида унинг келажига катта ишонч пайдо бўлди. Мартаба эса тиришқоқлиги сабаб уларнинг ишончини оқлаб, 2006 йили Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтига бадий гимнастика йўналиши бўйича ўқишга қабул қилинди. Бу унинг ҳаётидаги ўзига хос бурилиш эди. Ҳозирда битирувчи бўлган Мартаба олий ўқув даргоҳида ўрганган билим ва кўникмаларини ўз қишлоғига бориб, ёшларга спорт сирларини ўргатишга сарфлашни ният қилган. Айни пайтда у ўз ниятининг

илк ижобатини битирув олди амалиётида кўрмоқда. Ҳозирдан ёшларга бадий гимнастиканинг сир-синоатларини очиб келаятган Мартаба бу амалиёт унинг мураббийлик фаолиятининг дебочаси эканини таъкидлади. — Мен мураббийларимдан кўп нарса ўрганганман, — дейди Мартаба биз билан суҳбатда. — Файрат Юсупов каби устозларимнинг қўллаб-қувватлаши, вақтини аямасдан ўргатган билимлари сабабли бугун ўзим ҳам мураббий бўлдим. Уларнинг фидокорона меҳнати бўлғуси фаолиятим йўналишини белгилаб берган, десам адашмаган бўламан. Қишлоқ жойларда катта бўлаётган, спортга қизиқиши баян болаларни тарбиялаб, спорт усталари даражасига етказишни ният қилганман. Юртимизда спортга берилаётган эътибор эса мени руҳлантириб, болалар спортининг ривожланишига ҳиссамни қўшиш орзусини янада кучайтиради. Мартаба каби интилувчан ёшларнинг келгусидаги фаолияти ахамиятига Президентимизнинг «Қишлоқ жойлардаги болалар спорти объектларида банд бўлган аёл спорт устозлари меҳнатини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори туфайли яна бир бор эътибор қаратиш талаб этилди. Ўз навбатида, бу қаҳрамонимиздек мураббий бўлишни орзу қилаётган битирувчилардан касбига янада ҳурмат билан қараб, фаолиятига масъулият билан ёндашишни талаб қилади. **Санобар ЖУМАНОВА,** «Ma'rifat» муҳбири


Мухтарам Муртазо СУЛТОНОВИЧ!

Сизни 7 май таваллуд топган кунингиз билан самимий муборакбод этамиз. Биз Сизни Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Республикаларида хизмат кўрсатган бинокор, республика Муҳандислар академияси академиги, 1964 йилдан Журналистлар ижодий уюшмаси аъзоси, Олий таълим ва халқ таълими аълочиси, иқтисод фанлари номзоди, етук мутахассис ва ажойиб инсон сифатида биланмиз.

Сизга узок, сермазмун, беэво ва беармон умр кечириш насиб этишини тилаб қоламиз. Оилангиз, ёру дўстларингиз бахтига ҳамиша соғу саломат бўлинг.

Сизга ҳурмат ва камолу эҳтиром билан шогирдларингиз.





**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ ЎРТА МАХСУС,
КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ МАРКАЗИ
2010—2011 ЎҚУВ ЙИЛИДА
АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ ВА КАСБ-
ХУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ УЧУН ЎҚУВ
МАШҒУЛОТИ ЖУРНАЛИ ВА
РЕЙТИНГ ДАФТАРЧАЛАРИНИ
ХАРИД ЭТИШ БЎЙИЧА ҚАЙТА
ТЕНДЕР САВДОЛАРИГА
ТАКЛИФ ЭТАДИ**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги “Тендер савдоларини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 456-сонли қарори талаблари асосида Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази 2010—2011 ўқув йилида академик лицей ва касб-хунар коллежлари учун ўқув машғулотлари журналари ва рейтинг дафтарчаларини тендер савдолари (кейинги ўринларда — Тендер) ўтказиш орқали харид этади.

Тендер ўқув машғулотлари журналари ва рейтинг дафтарчаларини арзон ва сифатли ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлган юридик шахслар, жумладан, кичик бизнес субъектлари — мулкчилик шаклидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган корхоналар иштирокида очиқ кўринишда ўтказилади.

Тендер бошлангунга қадар Тендер комиссияси томонидан тендерда иштирок этиш истагини билдирган талабгорлар малакали танловдан ўтказилади. Шунинг учун Талабгорлар тендер комиссиясининг Ишчи органига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари керак:

— Талабгорнинг банкротлик ҳолатида эмаслигини тасдиқловчи Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг ҳудудий бошқармаси томонидан берилган маълумотнома;

— Талабгорнинг қайта ташкил этиш ёки тугатилиш ҳолатида эмаслигини тасдиқловчи давлат рўйхатга олиш идорасидан маълумотнома;

— Талабгорнинг юридик шахс экани тўғрисида давлат рўйхатга олиш идоралари томонидан берилган гувоҳноманинг нотариал идоралар томонидан тасдиқланган кўчирма нусхаси;

— Талабгорнинг бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалардан қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисида ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган давлат солиқ инспекцияси маълумотномасининг асл нусхаси;

— Ўзлон берилган даврда Талабгорнинг картотекаси бўйича (К-2) асосий ва иккиламчи ҳисоб рақамида қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисида банкнинг ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган маълумотномасининг асл нусхаси.

Қуйидаги юридик шахслар тендерда иштирок этиш учун қўйилмайди:

қайта ташкил этиш, тугатилиш ёки банкротлик жараёнида бўлган;

малакали танлов учун барча зарур ҳужжатларни белгиланган муддатда тақдим этмаган;

илгари Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази билан тузилган шартномалар бўйича қабул қилинган мажбуриятларни зарур даражада бажармаган;

Тендер эълон қилингунга қадар таъсис этилганга 6 ой бўлмаган;

лотлар (маҳсулотлар) бўйича ўз ишлаб чиқариш корхонасига эга бўлмаган;

тижорат ва молия кўрсаткичлари бўйича Тендер талабларига жавоб бермайдиган ташкилотлар ва фирмалар.

Малакали танловни ўтказиш Тендер таклифларини қабул қилишнинг охири санасидан бошлаб 5 кун муддат ичида амалга оширилади.

Тендер комиссиясининг кўрсатмаси асосида ишчи орган ишлаб чиқариш жойлари, технологик ускуналарнинг мавжудлиги, ишлаб чиқариш қуввати, хом ашё ва материалларнинг захиралари ва бошқаларни шахсан ўрганиш ҳуқуқига эга.

Талабгорлар Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказидан қўшимча маълумот олишлари мумкин. Маълумотларни олиш учун талабгорлар тендер таклифлари топширишнинг охиригунга қадар ҳар куни (шанба ва якшанба кунларидан ташқари) Тошкент вақти билан соат 9:00 дан 18:00 гача қуйидаги манзилга мурожаат қилиши мумкин:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази Таълим стандартлари ва ўқув адабиётларни такомиллаштириш бошқармасига.

Манзил: Тошкент шаҳри, Чимбой кўчаси, 96-уй.

Телефон: (+998 71) 246-27-11, 246-14-87, 246-14-91.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг қуйида келтирилган махсус ҳисоб рақамига 300 000 (уч юз минг) сўм миқдоридagi қайтарилмайдиган тўлов пул ўтказиш йўли билан ўтказилгандан сўнг юқорида кўрсатилган манзилдан Тендер ҳужжатлари олинади:

Махсус ҳисоб рақами №:20203000903761981001, АТИБ ИПОТЕКА Банкнинг Меҳнат филиали.

МФО: 00423, ИНН: 202515618. ОКОНХ 92120

2010 йил 3 мартда эълон берилган тендерда иштирок этган талабгорлар бундан мустасно.

Тендер таклифи умумий қийматининг 2 фоиздан кам бўлмаган миқдоридagi закат билан таклиф қафолатланиши шарт. Закат суммаси ҳар бир лотлар (маҳсулотлар) учун алоҳида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг юқоридаги махсус ҳисоб рақамига ўтказилиши керак.

Тендер таклифлари 2010 йил 20 май соат 12:00 га қадар Таълим стандартлари ва ўқув адабиётларни такомиллаштириш бошқармасига топширилиши шарт.



Ma'rifat
ТА'СИС
ЕТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ та'лими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва о'рта махсус та'лим вазирлиги, Ўзбекистон Та'лим ва фан ходимлари касба uyushmasi Markaziy Kengashi.

Bosh muharrir vazifasini vaqtincha bajaruvchi:
Bahodir JOVLIYEV
Tahrir hay'ati: Jumanazar BEK-NAZAROV, Baxtiyor DONIYOROV, Xurshid DO'STMUHAMMEDOV, Akmal ISLOMOV (mas'ul kotib), Mahmuda MURZAYEVA, Elshod NABIYEV, Husan NISHONOV (bosh muharrir o'rinbosari), Abdusamat RAHIMOV, Nurlan USMONOV (bosh muharrir o'rinbosari, “Учитель Узбекистана”), Aleksey CHUKARIN (mas'ul kotib, “Учитель Узбекистана”), Sa'dulla HAKIMOV

Gazeta
Ўзбекистон Matbuot va axborot agentligida № 0067 raqam bilan ro'yxatga olingan.
INDEKS: 149, 150. G-422.
Tiraji 40656.
Hajmi 4 bosma taboq.
Ofset usulida bosilgan, qog'oz bichimi A-3.
Navbatchi muharrir: Nargiza IBROHIMOVA.
Navbatchi: Zohidjon XOLOV.

«Ma'rifat»dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart. Tahririyatga yuborilgan materiallar muallifga qaytarilmaydi.
belgisi ostida reklama materiallari beriladi.
MANZILIMIZ: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32.
E-mail: info@marifat.uz
Web-site: www.marifat.uz
TELEFONLAR: mas'ul kotib—233-99-15, umumiy o'rta va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-53-16, fan, oliy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi yangiliklari bo'limi — 236-54-03, adabiyot, madaniyat, kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari bo'limi — 236-54-26, ma'naviyat va maktabdan tashqari ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-54-23, siyosat, xalqaro hayot va sport yangiliklari bo'limi — 236-55-58, reklama va marketing bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda erkin narxda
Dizaynerlar Liliya BINASHEVA, Malohat TOSHOVA.
«Sharq» nashriyot-matbaa aksionerlik kompaniyasi bosmaxonasi.
Korxonaning manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy
Bosishga topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 23.00
ЎЗА якуни — 21.00